



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги

Термиз давлат университети

Тарих факультети

“Жаҳон тарихи ва манбашунослик” кафедраси

ЧОРИЕВ НУРИДДИН ЭРГАШЕВИЧнинг

**5120300- тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

**“ҚАДИМГИ ШАРҚДА ДЕҲҚОНЧИЛИК
МАНЗИЛГОҲЛАРИ (МЕСОПАТАМИЯ ВА
ҲИНДИСТОН ДАВЛАТЛАРИ МИСОЛИДА)”**

мавзусидаги

Битирув малакавий иши

Илмий раҳбар:

т.ф.н.к.ўқ.Б.Рахимов

Термиз- 2012

ҚАДИМГИ ШАРҚДА ДЕҲҚОНЧИЛИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ (МЕСОПАТАМИЯ ВА ҲИНДИСТОН ДАВЛАТЛАРИ МИСОЛИДА)

I.Кириш.

II.Адабиётлар таҳлили.

III.Асосий қисм:

1.Боб.Месопатамия илк деҳқончилик маданияти бешиги.

1-§.Месопатамияда жамоатчилик муносабатлари.

2-§.Шумер-Аккад маданияти.

3-§.Қадимги Месопатамия аҳолисининг машғулотлари.

2.Боб.Қадимги Ҳиндистоннинг илк деҳқончилик маданияти.

1-§.Қадимги Ҳиндистонда жамоавий муносабатлар.

2-§.Моҳинжо-Даро ва Хараппа маданиятлари.

IV.Хулоса

V.Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: тарихда шундай мамлакатлар ва халқлар борки, йиллар ўтиши билан ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетади. Шундай мамлакатлар ва халқлар бўладикки, тарихда чуқур из қолдириши билан бирга, ўз даврининг йирик, гегемон давлатларидан саналиб, ўз атрофидаги ва бошқа минтақадаги халқларни ва давлатларнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўша олган. Минг-минг йиллик тарихий тараққиёт даврида ҳам ўз мавқийини йўқотмаган бўлиб ҳисобланади. Юқорида биз кўриб ўтган Месопатамия ва Ҳиндистон ҳудудларидаги қадимги маданият ўчоқлари ана шундайлардан ҳисобланади.

Иккидарё оралиғи ҳудуди халқлари қадимда анча қолоқ, аҳоли кам яшайдиган ботқоқ, ташландиқ бир жойни асрлар минг йиллар ўтмиши тинимсиз меҳнати натижасида қадимги Шарқдаги улкан бой маданият ўчоғига айлантира олди.

Ишнинг мақсад ва вазифалари: Ўзбекистон давлати мустақил бўлгач нафақат, ўзбек халқи ўтмиши тарихи, келиб чиқиши илк маданият ўчоқларини ўрганиш имкониятларига эга бўлиш билан бир қаторда, жаҳон халқлари тарихини шу жумладан Шарқ халқлари ўтмишини ўрганиш имкониятлари кенг очилди. Бизнинг ўзбек тарихчи олимларимиз ҳам жаҳон тарихини ўрганишда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Қадимги Шарқ, қолаверса, Месопатамия, Миср, Ҳиндистон давлатлари тарихи ҳам жаҳон тарихининг бир бўлаги ҳисобланади. Ушбу малакавий битирув иши ҳам қадимги Шарқнинг узвий ва ажралмас бир бўлаги ҳисобланган. Қадимги Месопатамия ва Ҳиндистон давлатлари ўтмиши ҳақида ёзилишдан асосий мақсад Месопатамия қадимги Шарқнинг энг қадимги уруғчилик муносабатлари бузилган ва синфий жамият вужудга келган ҳудуд бўлибгина қолмай, ушбу жараёни ўз атрофидаги Кичик Осиё, Олд Осиё, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ҳудудидаги ўлкаларга тарқалишига муҳим ҳисса қўшган, чунки

қадимги даврлардан халқлар ўртасида Ғарбий Эрон, Шимолий Сурия ва Ҳиндистон ҳудудлари билан савдо алоқалари ривожланган. Савдо алоқаларининг ўсиши ҳунармандчилик ва деҳқончиликда янги техника ва технологияларнинг қўлланилиши, мулкӣ тенгсизликларнинг келиб чиқиши, синфий жамият ва давлатнинг вужудга келишига замин яратиб бўлган.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар: Ур, Урук, Лагаш, Ларса, Ниппур, Умма, Эшнунна, Киш ва бошқа шаҳар-давлатлар милoddан аввалги IV минг йилликда вужудга келган. Ўзарo курашлар натижасида дастлаб Шумер, кейин Аккад ҳукмронлик қилган.

Ҳиндистон ҳам тарихий тараққиётда ўз ўрни ва имкониятларига эга бўлган, қолаверса Шарқ маданияти ривожланишига ҳисса қўшолган йирик маданият ўчоқларидан ҳисобланади. Ҳиндистон ҳудудида олиб борилган археологик текширишларда шундан маълумот бериладики, шимолий-ғарбий Ҳиндистон ва Ҳинд дараёси ҳавзасидан Моҳинжо-Дарo ва Хараппа маданиятларидан қадимдан катта шаҳар бўлганлиги пишиқ ғиштдан қурилган бинолар, кўчалар ва шаҳар анча тараққий этган бўлиб, ҳунармандчилик ва савдо маркази бўлганлиги ҳақида маълумотлар анчагина. Хараппа ҳудудидан ҳам ўз даврининг анча тараққий этган шаҳар-давлати бўлиб, уруғчиликнинг бузилиши қабилавий муносабатлар тараққиёти ва синфий тафоввутнинг босқичлари ҳақида маълумот беради. Хараппа маданияти нафақат Ҳиндистонда балки у ташқи савдода Эрон ҳудудлари орқали бизнинг Сополли маданиятимиз билан алоқа боғлаган кенг миқёсда савдо алоқалари қилган бўлиб ҳисобланади.

Ишнинг амалий аҳамияти: Қадимги Шарқ халқлари бир-бири билан доимий узвий алоқада бўлиб, улар Миср, Месопатамия, Ҳиндистон, Хитой ва Ўрта Осиё ҳудудларида дастлаб кўчиб юришган бўлса, кейинчалик ўтроқ ҳаёт кечиришган ва ўз ватанларини вужудга келтиришган. Мавзу нима сабабдан айнан Месопатамия ва Ҳиндистон давлатлари мисолида олинди.

Биринчидан, Месопатамиянинг қадимийлиги ва маданиятининг тарқалиши имкониятлари ва атрофдаги ҳудудларга таъсири ҳисобга олинган бўлса, иккинчидан, бу икки ҳудуд бир-бири билан узвий боғлиқ тараққиёт босқичида бир-бирини тўлдириб турган, бир-бирига таъсири кучли бўлган. Учинчидан, савдо алоқларида бир-бирига кўмакчи бўлиб, шарқ савдосида муҳим ўрин эгаллаган эди.

Тўртинчидан, бу икки ҳудуд тарихи ҳам қадимийлиги жиҳатидан бир-биридан қолишмайди. Қадимги Шарқ тарихи, маданияти ривожланишида бу Месопатамия ва Ҳиндистон тарихда ўз ўрнига эга бўлган бўлиб, биз бунни қуйида асосий, далилий манбалар билан ёритиб беришга ҳаракат қилдим.

БМИ нинг тузилиши: Кириш, адабиётлар таҳлили, Асосий қисмда 2-боб, 5 параграф, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалар, мундарижадан иборат.

Адабиётлар таҳлили: Битирув малакавий ишни тайёрлаш жараёнида мавзуга доир кўпгина манбалар ва адабиётлар, оммавий ахборот воситалари билан танишиб чиқдим. Айниқса Президентимиз асарлари, хусусан, “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т.2008., Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 1994 й., Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т. 2011 номли асарлари метадологик асос бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари Авдиев В.И. История древнего востока. М.1948, 1953, 1976., Қадимги дунё тарихи.–Ю.С.Крушкол таҳрири остида 2 ж. Т. 1975., Д.Г.Редер, Е.А.Черкосова. Қадимги дунё тарихи. I-II қисм. Тошкент 1974-1975, Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ в свете археологии. М, Наука 1976, Брентес Б от Шанидара до Аккада. М. “Наука” 1976, Крамер С.Н. История начинается в Шумере. М. Изд-во восточной литературы 1991., Опенхейм Д. Древняя Месопотамия. М. Изд-во восточной литературы 1989 Крамер С.Н. История начинается в Шумере. М. Изд-во восточной литературы 1991 номли

адабиётлар таҳлил қилинди ва битирув малакавий ишни ёзишда фойдаланилди.

Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида номли асари илмий жиҳатдан ўрганилиб, Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида ҳам Ватанимиз тарихи мустақиллик даври давлатимиз ривожига ва янги ислохотлар чуқурлаштириш ва такомиллаштириш жараёни ҳар томонлама батафсил ўрганилиб, шу билан бирга Қадимги деҳқончилик манзиллари Осиё мамлакатларининг яъни қадимги Месопатамия ва Ҳиндистон давлатлари мисолида адабиётлардан манба сифатида таҳлил қилинди ва маълумотлар асосида кенг ўрганилди. Д.Г.Редер, Е.А.Черкосова. Қадимги дунё тарихи адабиётидан ҳам Қадимги Месопатамия шаҳарлари, маданияти, этник жараёнлари ва маданий ҳўжалик турлари Қадимги Месопатамия ва Ҳиндистон деҳқончилик маданияти тарихи юқорида кўрсатилган қадимшунос тарихчи ва тадқиқотчилар томонидан кенг тадбиқ этилиб, ушбу БМИда кенг кўламда ўрганиб таҳлил қилинди.

Битирув малакавий иш мавзуси янги, илгари илмий тадқиқот ишлари муомаласида бўлмаган янги мавзу бўлганлиги сабабли, кўпроқ оммавий ахборот воситалари, Халқ сўзи, XX1 аср, Ўзбекистон овози газеталари ва журналлар, статистик маълумотлар ҳамда интернет сайдларидан кенг фойдаланиб, таҳлил қилинди.

1.Боб.Месопатамия илк деҳқончилик маданияти бешиги.

1-§.Месопатамияда жамоатчилик муносабатлари.

Қадимги Шарқ халқлари ижтимоий тузумининг фарқ қиладиган энг муҳим хусусияти-унда уруғчилик тузumi қолдиқларининг узоқ вақт сақланиб қолганлиги қадимги жамоа аввало оила жамоаси, кейин эса қишлоқ жамоаси қолдиқларининг мустаҳкам сақланиб қолганлигидир. Лекин ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ижтимоий тузумни ўзгартиради. Металлургиянинг вужудга келиши ва ривожланиши техникани бир қадар тараққий қилдириб, қишлоқ хўжалигининг ва асосан ҳунармандчиликнинг ривожланишига ёрдам беради. Чорвачиликнинг деҳқончиликдан кейин эса ҳунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши ҳамда ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасида турли тармоқларнинг пайдо бўлиши кўшимча ёрдамчи иш кучини талаб қилган. Шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан киши ўзининг кун кечириши учун керак бўлгандан кўра кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган. Янги иш кучларидан фойдаланиш қўл келиб қолган. Шунинг учун, урушларда қўлга тушган асирлар қул сифатида фойдаланила бошланган. Иккинчи томондан, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва ишлаб чиқариш миқдорининг оширилиши натижасида ортиқча маҳсулотлар пайдо бўлган. Бу ортиқча маҳсулотлар бозорларга олиб чиқилган ва шундай қилиб улар товарга айланган.

Фрэдрик Энгельснинг машҳур асарларидан бирида жамоа муносабатлари уларда тирикчилик ҳақида қуйдагилар баён қилинади: “Жамоа маҳсулотлари нақадар” кўп товар шаклини олса, яъни уларнинг нақадар оз қисмини ишлаб чиқарувчининг ўз истеъмоли учун ва нақадар кўп қисми айрибошлаш мақсади учун ишлаб чиқарилса, айрибошлаш жамоа

ичида ҳам стихияли суратда вужудга келган дастлабки меҳнат тақсимотини англатган”¹

Мулкий тенгсизлик орқасида қишлоқ жамоаларининг камбағаллашиб қолган аъзолари бойлардан қарздор бўлиб, уларнинг асоратига тушиб қолган. Қарзларини тўлашга қурби етмаган камбағаллар шахсан меҳнат қилиб ўз қарзларини узишга мажбур қилганки, бунинг натижасида кўпинча қарздорлар амалда қул бўлиб, қолганлар. Қулчиликнинг энг муҳим манбаи бўлган урушлар мулкий жиҳатдан табақаланишга ёрдам берган. Жамиятнинг биринчи марта синфларга, яъни қулдорлар синфига ва қуллар синфига бўлиниши ана шу тариқа вужудга келган.

Қадимги Шарқ тарихини ўрганишда шу нарсани доим эсда тутмоқ керакки, илк қулдорлик жамияти иқтисодий тузумининг ўзига хос, алоҳида устқурмаси, яъни жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, диний, бадий, фалсафий қарашлари ва шу қарашларга мувофиқ келадиган сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа муассаслари бўлган. Шу муносабат билан тарихчининг энг муҳим вазифаси қадимги Шарқда қулдорлик давлатларининг ташкил топиш ва ривожланиш давридаги иқтисодий тузумнинг шунингдек, унга мувофиқ келадиган устқурманинг характерли хусусиятларини белгилашдир. Шубҳасизки, қадимги Шарқ халқларининг ижтимоий тузumi ибтидоий жамоа тузumiга қарағнда анча тараққий қилган тузум бўлган. Бузилиб бораётган ибтидоий жамоа тузumi шароитида қулдорлик тузumi тамомилига табиий ва қонуний бир ҳодисадир, чунки қулдорлик тузumi ибтидоий жамоа тузumiга қарағнда олдинга қадам ташлашдир. Қадимги Шарқда жамият биринчи марта қулдорлар синфи ва қуллар синфига бўлиниб, унда ўзига хос диспотик давлат вужудга келган, ибтидоий жамоа тузumi даврида эса бундай давлат бўлмаган.

¹ Ф.Энгельс. “Анти-Дюринг” Ўзбек. Давл. Нашр. 1952 й. М. 203-Б.

Қадимги Шарқдаги қулдорлик давлатларида натурал хўжалик етакчи роль ўйнаган десам хато бўлмайди.¹ Мураккаб ва кенг қулоч отган амалдорлик уюшмасидан иборат энг қадимги ҳоким ва подшолар, шунингдек ундан кейинроқ Шумер ва Аккад давлатларининг ҳоким ва подшолари ҳам сунъий суғориш тармоқларини кенгайтириш ва яхши сақлаш соҳасида қилган ғамхўрликларини ўз ёзувларида фахрланиб гапирганлар. Подшо ва ҳокимлар ўз хизматларини ҳарбий ғалабалар билан бир қаторга қўйиб, бу билан мамлакат ҳаётида ирригациянинг жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатганлар. Масалан, Ларса подшоси Рамсин ўз ёзувларидан бирида “кўпдан-кўп аҳолини ичиладиган сув билан таъмин этган.... то денгиз қирғоғигача.....ғалладан мўл-кўл ҳосил берган” канал қаздирилганлигини айтади. Римсин бу канални қаздириб, ўз вилоятини деҳқончилик қилинадиган ерга айлантирган. Қисқача қилиб айтганда, Месопатамияда илк давлатларнинг пайдо бўлиш давригача жамоачилик муносабатлари, жамоалар ўртасидаги алоқалар аста-секинлик билан ривожланган. Шу билан бирга жамоачиларнинг бир оз ўзига тўқ табақалари аста-секин хонавайрон бўлиб, камбағалларга ва ҳатто қулларга айланган. Жамоаларнинг бу табақаланиш процесси тилда ҳам акс этган. Бойларда ҳам, камбағалларда ҳам ифодаловчи энг қадимги жамоавий терминлар пайдо бўлган. Қулларга ва қисман ерга эга бўлган аристократлар “улкан кишилар” деб аталган, уларга “кичик кишилар” яъни қишлоқ жамоаларининг оз мулкли эркин аъзолари қарама-қарши турган.

Бу энг қадимги синфий жамият уруғчилик тузуми харобалари устида пайдо бўлган. Бу жамиятдаги қулчилик ҳали унча ривожланмаган, ибтидоий ҳолда бўлган. Қулдорлар, қуллар меҳнатини ҳам, эркин камбағаллар меҳнатини ҳам эксплуатация қилганлар. Сира келиштириб бўлмайдиган синфий зиддиятлар давлатнинг ташкил топишига сабаб бўлган. Камбағаллар

¹ Авдиев В.И. “Қадимги Шарқ тарихи” Олий ва ўрта мактаб нашр. Т. 1964 й.

ва кулларнинг кўпчилик оммасини итоатда тутуиш учун кулларда хукмронлик тизимига эҳтиёж туғилган.

Месопатамия ҳудудида кулдорлик давлатининг мавжуд бўлганлигини кўрсатувчи энг қадимги ҳужжатлар эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг бошларига тааллуқлидир. Бу даврга оид ҳужжатларда кўрсатилишича, булар жуда майда давлатлар, тўғрироғи, тепасида подшолар турган ва энди тшкил топаётган дастлабки давлатлар бўлган.

Мустақиллигини йўқотган князликларни кулдорлар аристократиясининг юқори табақа вакиллари идора қилиб, улар “патэси” деган унвонга эга бўлишган.

Бу энг қадимги кулдорлик давлатларининг иқтисодий негизи мамлакатнинг давлат қўлида тўпланган ер фонди бўлган. Эркин деҳқонлар ишлайдиган жамоа ерлари давлат мулки ҳисобланган ва бу ерларнинг аҳолиси давлат фойдасига одатда жуда оғир мажбуриятлар бажариши лозим бўлган. Аммо, шу билан бирга, подшо бевосита ўз ихтиёрида алоҳида ер майдонларига эга бўлган. Синфий табақаланиш жараёни ерга эгалик қилиш шаклларида ҳам акс этган. Давлат ҳокимиятининг жамоа ерларини босиб олиш ҳоллари кўп бўлган, бу ерларнинг бир қисми бундан илгарилариёқ жамоадаги энг бой кишиларнинг мулкига айлантирилган. Подшонинг марказлашган катта ер эгалиги ва деҳқонларнинг жамоа бўлиб ердан фойдаланишлари билан бир қаторда бойларнинг хусусий ер мулки аста-секин вужудга келган. Ердан маҳрум қилиниб, секин аста кулларга айлантирилган камбағаллар шунингдек, кулга айлантирилган ҳарбий асирлар подшога, ибодатхона ва кулдор аристократларга қарашли ерларда ишлаганлар.

Сунъий суғоришга асосланган деҳқонилик бу даврдаги хўжаликнинг асосий шакли бўлган. Шунинг учун энг қадимги кулдорлик давлатининг энг муҳим вазифаларидан бири ирригация тармоқларини ташкил қилиш уни яхши сақлашдан иборат бўлган. Ерни суғоришда, ҳайдашда ва ғалла янчишда

шунингдек, юк ташишда иш ҳайвонлардан фойдаланилган. Кўп гушт ва сут маҳсулоти берадиган моллар ҳам кўпайтирилган. Майда шохли ҳайвонлар, айниқса думбали ва меринос қўйлар, шунингдек турли зотли эчкилар жуда кенг тарқалган. Транспорт эҳтиёжлари учун ҳукиз ва эшаклардан фойдаланилган. От анчагина кейин, эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликда пайдо бўлган бўлса керак.

Эрамиздан аввалги учинчи минг йилликда Месопатамия жанубий қисмининг энг қадимги жамоаларида ишлаб чиқарилган деярли барча маҳсулотлар шу ернинг ўзидаёқ истеъмол қилинган. Хирож ва солиқларни натура билан тўлаш одати хўжаликларнинг жамоаларининг натурал характерда бўлганлигини кўрсатади. Эрамиздан аввалги 2400 йилларда Месопатамия жамоаларида амалдорлар солиқларни қўй, қўзи, балиқ билан олишлари лозим бўлган. Ер, жун, ёғ қулнинг ва мис буюмларнинг нарҳини ғаллага чақиб ҳисоблаш расм бўлганлиги характерлидир. Аммо ортиқча маҳсулот пайдо бўлиши натижасида ибтидоий жамоаларнинг қадимги натурал хўжалик тузуми аста-секин ўзгариб борган. Деҳқончилик ёки ҳунармандчиликда ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорда пайдо бўла борган сари мамлакат ичида ҳам қўлини мамлакатлар билан ҳам энг қадимги айрибошлаш савдоси вужудга келган, қуллар, уй-жойлар, эркин ерлари, уй ҳайвонлари ва қимматбаҳо металллар савдо-сотиғи юзидан тузилган шартноманинг матнлари сақланиб қолган. Бу матнлар эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг бошларида савдо мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Етишмайдиган турли хом ашёларни қўшни мамлакатлардан келтириш зарурияти ташқи савдонинг хийла кенг кўламда ривожланишига ёрдам берган. Масалан, бизга маълумки, шумерийлар мисни лам, Эрон, ва Оссуриядан олиб келганлар, ёғочни Икки дарё оралиғининг шимоли ва шарқидаги тоғли ўлкалардан келтирганлар. Бу савдо анчагина кенг ҳудудда

олиб борилганига қарамай, у ҳали жуда ибтидоий ҳолда бўлган. Бу энг қадимги айрибошлаш савдоси бўлиб бир хилдаги товарлар иккинчи хилдаги товарларга алмаштирилган, холо Фақат, кеинроқ қийматнинг энг қадимги эквивалентлари секин-аста пайдо бўла бошлаган. Энг қадимги замонларда Месопатамиянинг деҳқончилик билан шуғулланувчи халқларида одатда қорамол ва ғалла эквивалент хизматини ўтаган. Кейинчалик металлнинг тарқалиши натижасида қуйма металл парчалари пул хизматини ўтай бошлаган. Аммо бу қуйма метал парчалари муайян оғирлиги ва асиллигини таъминлайдиган қилиб қолипда зарб этилмаганлиги фанда аниқланган. Шунинг учун ҳам ҳар бир савдо-сотик муомаласида бу қуйма мис ёки кумуш парчаларининг оғирлигини текшириб кўриш зарур бўлган. Бу энг қадимги пуллар ўзининг оддий товар характерини кўп вақтгача сақлаб, мустаҳкамлаб келганлигин бизга маълум.

Қадимги Месопатамияда савдонинг кенгайиши транспортнинг ҳам ривожланишига олиб келган. Мисрдагидек, Месопатамияда ҳам энг қадимги замонлардаёқ молларни дарё ва каналлар орқали кемаларда ташиганлиги тахмин қилинади.

Месопатамиянинг катта дарёлари, табиий магистраллари бўлган Дажла ва Фрот ҳамда бир талай каналлар сув транспортининг ривожланишига имкон берган. Карвон йўлларида эса моллар эшак ва хукизларда жудда оддий ғилдиракли жанг аравалар ва юк араваларида ташилган. Ур шаҳари қазилган вақтда бу оддий жанг араваларининг намуналари ва уларнинг тасвири топилган.¹

Қишлоқ жамоалари ичидаги мулкый табақаланиш жамоа тузумини аста-секин емира борган. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, савдо ва кулчиликнинг ривожланиш, ниҳоят, талончилик урушлари жамоачилик оммаси орасидан кичик бир гуруҳ кулдорлар аристократиясининг ажралиб

¹ Жаҳон тарихи дарслик. (8-синф). Т. 2001 й.

чиқишига имкон берган. Марказий ҳокимият органлари мавжуд бўлишига қарамасдан Шарқда жамоа турмушининг қадимги шакллари ҳам кўпвақтгача ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Ернинг анчагина қисми амалда жамоаларга қараган. Аслида ер жамоалар қўлида бўлган ва ернинг кўпгина қисми эркин жамоачилар қўлида бўлган ўзлари ишлашган. Лекин бу ҳол бутун ер фондининг илоҳийлашган, тарзда давлат қўлида тўпланишига зид келмасди.

Қишлоқ хўжалигининг анчагина ривожланиши, металлургиянинг пайдо бўлиши ва айрибошлаш савдосининг пайдо бўлиши ёйилиши ишлаб чиқарувчи кучларни ўстирган ва иш кучига бўлган эҳтиёжни орттирган. Бунинг натижасида қадимги уруғчилик жамоа тузуми емирилган ва бу тузум харобаларида энг қадимги қулдорлик давлатлари пайдо бўлган. Бу жараёни эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаги Шумер ва аккад шаҳарларининг харобаларидан топилган жуда кўп ҳужжатлар ва моддий маданият ёдгорликларидан кўришимиз мумкин.

Хўжаликнинг ибтидоий шакллари овчилик ва балиқчилик мамлакат иқтисодиётида қолдиқлар тариқасидагина бир қадар аҳамиятини сақлаб қолган. Аммо табиий шароитга кўра энг қадимги даврлардаёқ вужудга келган ва эрамиздан аввалги учинчи минг йилликда яна ривожланган қишлоқ хўжалиги етакчи ва асосий роль ўйнаган. Қуйи Месопатамиянинг баъзи жойларида ҳосилдор ерлар бу вақтда анча ишланган ва кўп сонли меҳнатсевар аҳоли ундан чиққан маҳсулот билан мўл-кўл таъминланган. Йирик шаҳарлар, масалан, Ларса ва Урук шаҳарлари харобаларининг ораси атиги 24 километр бўлиши аҳолининг жуда ҳам зич яшаганлигидан далолат беради.¹ Фротнинг ғарбидаги бепоён ўтлоқ ва даштлар чорвачилик билан шуҳулланишига имкон берган. Узун ва қисқа шохли хўкизлар ўтлоқларда боқилиб, уйда ҳам оз-оздан дон, доннинг ёрмаси бериб боқилган.

¹ Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи. Т. 1964 й.

Икки дарё оралиғида суғорма деҳқончиликдан юқори ҳосил олиш натижасида илк синфий жамият қурилган. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра археологлар Шумер жамиятида 5 та қатламни ажратиб кўрсатишга имкон беради. Шохлар, жрец-военноначальниклар, шаҳарликлар, савдогарлар, ҳунармандлар ва бошқа турларга ажратилган.

Оила жамоаси деганда, биз катта оила хўжалигини тушунамиз. Бу оилалар бирикмаси патриархал оила жамоасини билдиради. Оила жамоаси етарлича бўлмаган бирлик, у алоҳида ўзи хўжалик юритишга қодир эмас. Шунинг учун оилалар жамоаси, бирикмаси қўшничилик жамоасини ташкил қилган. Месопатамиянинг жуда кўплаб ташкил топган шаҳар-давлатларида қўшничилик жамоалари вужудга кела бошлаган. Бу асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, натурал хўжалик билан шуғулланувчи жамоаларнинг ўрни катта

2-§.Шумер-Аккад маданияти.

Олд Осиёдаги мамлакатлар орасида деҳқончиликни кенг ривожлантириши учун энг қулай бўлган мамлакат Дажла билан Фрот дарёлари ўртасида жойлашган бўлиб, уни қадимги греклар Месопатамия деб атаганлар. Бунинг маъноси “Икки дарё оралиғи”дир. Бу мамлакат шимолда Арманистон тоғларидан бошланиб, жанубда то Форс қўлтиғигача чўзилган. Бу мамлакат ғарбда Сурия-Месопатамия дашти билан, шарқда эса Ғарбий Эрон тоғ тизмалари билан чегараланган. Месопатамиянинг ўрта ва жанубий қисми текислик бўлиб у вақти-вақти билан тошиб ерларни ўғитловчи ва суғорувчи Дажла ва Фрот дарёлари келтирган ётқизиклардан иборатдир. Дажла дарёси Ван кўлининг жанубидан Арманистон тоғларидан бошланади. Фрот ва Арзирумнинг шарқида денгиз юзидан 2 минг метр баландликдан бошланади. Дажла жуда тез оқар дарё. Дажла Фротдан 750 км калта, лекин Дажла қирғоқларига қараганда пастроқ. Шунинг учун Фрот суви тошганда Дажлага нисбатан анча катта ҳудудни сув босиб кетади ва тошқини узоққа

чўзилади, яъни мартнинг ўрталаридан бошланиб сентябргача давом этади. Ҳар иккал дарёнинг ўзани беш минг йил ичида ўзгариб кетган. Сақланиб қолган ёзувлардан маълум бўлишича, Шумер ва Аккаднинг қадимги шаҳарлари, маслан, Сиппар, Киш, Ниппур, Шуруппак, Урук ва Ларса Фрот дарёси бўйида бўлган. Ҳозирги вақтда эса шу шаҳарларнинг вайроналари Фрот дарёси ўзанидан Шарқ томондадир. Дажла ҳам ўзанини ўзгартирган. Унинг оқими шимоли-шарқ томонга бурилиб борган. Шундай қилиб, бу иккала дарё илгари ҳозиргига қараганда бир-бирига яқин жойлашган.¹

Суғориш мумкин бўлган текислик ҳудуди ҳам бир қадар кичик бўлган. Дажла ва Фрот мамлакатнинг асосий суғориш магистрали бўлиш билан бирга бош транспорт магистрлаи ҳам бўлган. Бу иккала дарё Месопатамияни қўшни мамлакатлар билан яъни, қадимги Арманистон Урарту, Эрон, Кичик Осиё, Сурия билан боғлаган. Арманистон тоғларидаги қорлар эриши натижасида Дажла ва Фрот дараёларида вақти-вақти билан бўлиб турадиган тошқинлар сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалиги ривожлантиришда маълум аҳамиятга эга бўлган. Иккидарё оралиғининг жанубидаги Шумер ва мамлакатнинг ўрта қисмини эгаллаган. Аккад иқлим жиҳатидан бир-биридан бир мунча фарқ қилган. Шумерда бошқа жойларга нисбатан қиш юмшоқроқ бўлган учун хурмо дарахти ёввойи ҳолда ўса олган. Аккад эса, иқлим жиҳатидан қишда қор ёғадиган ва хурмо дарахти ёввойи ҳолда ўсмайдиган Оссурияга яқин жанубий ва ўрта Месопатамиянинг табиий бойликлари унча кўп эмас. Аллювиал тўпроқдан бўлган бўрсилдоқ ва ёпишқоқ лой ибтидоий кулолчилик учун ажойиб хом ашё бўлган. Қадимги Месопатамия аҳолиси лойни асфальт билан аралаштириб, жуда қаттиқ материал ясалган, бу материал Иккидарё оралиғининг жанубий қисмида камдан-кам учрайдиган тош ўрнида ишлатилган. Месопатамияда металл

¹ Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи. Т. 1964 й.

бўлмаслиги ҳам характерлидир. Бу ҳол маҳаллий ва Шарқий металлургия ҳудудларига қарам қилиб қўйган.¹

Иккидарё оралиғи ўсимликларга ҳам бой эмас. Бу мамлакатнинг энг қадимги аҳолиси донли ўсимликларни яъни арпа ва буғдойни мамлакат иқлимига мослаштириб олган. Иккидарё оралиғининг жанубий қисмида ёввойи ҳолда ўсадиган хурмо дарахти ва шакар қамиши мамлакатнинг хўжалик ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган.² Ёғ чиқариш учун ишлатиладиган сезам (кунжут), шунингдек ширин смола чиқадиган юлғум маҳаллий ўсимликлардан бўлса керак. Месопатамия аҳолисига ёввойи ва уй ҳайвонларининг турли зотлари маълум эканлигини энг қадимги ёзув ва суратлар курсатиб турибди. Шарқий тоғларда қўйлар ва эчкилар, жанубнинг ботқоқли чангалзорларида ёввойи чўчқалар бўлган ва улар энг қадимги вақтлардаёқ қўлга ўргатилган. Дарёларда балиқ ва қуш кўп бўлган. Шумерда ҳам Аккадда ҳам турли-туман уй қушлари мавжуд бўлган.

Месопатамиянинг ўрта қисми ҳудудидаги энг қадимги манзилгоҳлар сўнгги неолит даврида вужудга келган.

Месопатамиянинг жуда ҳам қадимги қабилалари ботқоқликлар ўртасидаги тепаликларда, оролларда яшаганлар. Улар тупроқдан ўйиб турар жой, уй қуришган. Улар атрофдаги ботқоқликларни қуришиб сунъий суғоришнинг энг қадимги системасини вужудга келтирганлар.³

Қишда топилган буюмларнинг кўрсатишича, улар микролитик қуроллардан фойдаланганлигини кўрсатади. Бу қабилалар Олд Осиёнинг энг қадимги этник табақаларига мансуб бўлган бўлсалар керак. Аммо Шумер-Аккад маданияти ва давлатининг ҳақиқий яратувчилари шумерийлар, шунингдек, Сурия-Месопатамия даштларидаги қабилаларига қариндош

¹ Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи. Т. 1964 й.

² Жаҳон тарихи. Т. 2001 й.

³ Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи. Т. 1964 й. 45-46-б.

бўлган Аккад семитлари бўлган. Месопатмия ҳудудида сўнгги йигирма йил ичида ўтказилган қазилар бу қабилаларнинг энг қадимги, тарихдан бугунги маданий ҳаётлари қандай бўлганлигини билишга имкон беради.

Ўрта ва жанубий Месопатамия ҳудудида топилган архаик давр ёдгорликларини энг ноёб ёдгорликлар чиққан жойларга қараб уч маданий даврга: Шумерда Ал-Обейд маданияти ва Урук маданияти ҳамда Аккадда Жемдет-Наср маданиятларига ажратиб кўрсатиш урф тусига кирган. Бу бирин-кетин ўтган уч маданий давр эрампиздан аввалги IV минг йилликни тамомила деярли ўз ичига олган. Бу маданий даврлар жанубий ва ўрта Иккидарё оралиғида энг қадимги замонларда ташкил топган давлатлардан бурун ўтган.

Жанубий Месопатамияда топилган энг илк манзилгоҳлар Ал-Обейд ёнидаги дарё оролида бўлиб, бу орол ботқоқ текислик устида жойлашган. Бу ерларда яшаган аҳоли балиқ овлаш ва овчилик билан шуғулланиб келган ва хўжаликнинг прогрессивроқ формаларига: чорвачилик ва деҳқончиликка аста-секин ўта бошлаган. Бу даврга келиб қў, эчки ва чўчқалар қўлга ўргатилган ва Олд Осиёнинг энг қадимги дон ўсимлиги полба (бугдойнинг бир нави) иқлимга мослаштирилган. Деҳқонлар жуда содда меҳнат қуролларидан фойдаланган. Улар айрсимон тошдан ясалган мотичадан ва тиғи чакмоқ тошдан ясалган ўроқлардан фойдаланганлиги аниқланган.¹

Керамика, тўқув иши, тоштарошлик бир қадар ўсган. Сарик-қўкимтил тусли пойдан ясалган кулолчилик идишларига турли-туман нақшлар солинган ҳамда ҳайвонлар, қушлар ва одамларнинг расмлари билант безатилган. Тошдан турли асбоб ва қуроллар масалан, даста ўтказиладиган болта, миотича, пичоқ, гурзи учлари ва ёй ўқлари ясалган. Бу даврда дастлабки металл қуроллар, масалан, ясси болта вужудга келган.

¹ Опенхейм Д. Древняя Месопотамия. М. Изд-во восточной литературы 1989.

Металлургия ривожланиши билан ишдан қуроллар яшаш билан бирга бошқа буюмлар ҳам, чунончи, ойна ва тўғноғичлар ҳам ясала бошлаган.

Техника соҳасидаги ғоят катта ўзгариш яъни, тошдан металлларга, кейин мисга ўтиш ана шундай юз берган. Ал-Обейднинг энг ўтроқ қадимги аҳолиси кичик-кичик кулбаларда яшаган, бу кулбаларнинг деворлари бордан билан тўсилиб, лой билан сувалган. Аммо бу вақтда қурилишда аста-секин ғишт ишлатила бошланган.

Масалан, кулбалар ичидан катта-катта япалоқ ғиштлардан қурилга оила жамоаларрининг ўчоқлари топилган. Бу кулбаларга ёғоч эшик ўрнатиш учун тошдан ясалган кесакилари ҳам топилган.

Жанубий Месопатамияда яшаган энг қадимги қабилаларда диний эътиқодларнинг шаклланиши ҳам ана шу қадимги даврга тўғри келади. Қўлоёқлари ғужанак қилиб чуқурларга кўмилган одамларнинг суяклари топилган, суякларни махсус идишга солиб, иккинчи марта кўмилганлиги маълумотлар асосида бизгача етиб келган: булар ўша замондаги одамларнинг нариги дунёга ишонганлигидан ва ўлганлар руҳига сиғиниш одати жуда ҳам қадимги вақтларда пайдо бўлганлигидан дарак беради. Ўлган одам ёнига идишда овқат, маржон, чиғаноқ қўйиш, шунингдек хотинларнинг лойдан ясалган ҳайкалчаларини қўйиш одатлари бўлган. Ал-Обейд маданияти узоқ замонлар ҳукм сурганлиги фанда бизга маълум. Бу маданиятнинг илдизлари юқори Месопатамиянинг қадимги маҳаллий маданиятига бориб туташади. Аммо бу вақтда Шумерийлар маданиятининг дастлабки элементлари ҳам пайдо бўла бошлаган.

Шумер архаикасининг бундан кейинги даври ғоят муҳим қазишлар ўтказилган жойнинг номи билан Урук даври деб аталади. Бу давр керамика соҳасида янги турларнинг ривожланиши билан характерлидир.

Лойдан қилинган баланд дастлаб ва узун бурунли идишлар металлдан ясалган қадимги идишлардан олинган нусхалар бўлиши ҳам мумкин. Бу

идишлар асосан, кулол чархида ясалгандир. Аммо бу идишлар нақши жиҳатидан Ал-Обейд давридаги ранг-баранг керамика буюмларига қараганда анча соддадир. Булар кўпинча тирнаб озгина гул солинган оддий қизил ёки қора рангли керамика буюмларидир.¹

Умуман олганда, Урук даври анчагина тараққий қилган маданият даври бўлиб, унинг шу хусусияти, жумладан монументал архитектуранинг вужудга келишида ифодаланади. Бу жиҳатдан ранг-баранг нақшлар билан безатилган, энг қадимги зиннапояли ибодатхона минорасининг яъни зиккуратнинг қолдиқлари ибодатхонанинг тошдан ясалган пойдевори ва катта-катта, улкан ғиштлардан ясалган устунлар, терма кошкли серҳашам, салобатли, ҳайбатли, салобатли, ҳайбатли қурилишлар айниқса, диққатга сазовордир. Бу даврда хўжалик ҳаёти ва маданият у билан боғлиқ соҳалар айниқса ривожланди. Ҳужжатлар тузиш зарурати туғилган. Шу муносабат билан ҳали жуда ҳам содда бўлган суратли ёзувлар вужудга келган. Бу ёзувнинг излари ўша даврда ишлатилган цилиндрик муҳрларида сақланиб қолганлиги археологик манбалардан бизга маълум. Бу ёзувларнинг ҳаммаси 1500 га яқин тасвирий белгилардан иборат бўлиб, булардан аста-секин қадимги Шумер ёзуви келиб чиққан.

Шумер-Аккад архаикасининг учинчи даври қазилар вақтида ёдгорлик буюмлар кўпроқ топилган жойнинг номи билан яъни, Жемдет-Наср номи билан юритилади. Бу маданият манзилгоҳи Киш шаҳар давлати яқинида жойлашгандир. Бу ерда 1926 йилдан бошланган қазилар натижасида маданиятнинг барча соҳаси бир қадар тараққий қилганлигидан дарак берувчи кўпгина ёдгорликлар топилди. Бу даврда Месопатамиянинг жанубий ва ўрта қисмидаги ботқоқ вилоятларни шарқий ва шимолий тоғли қабилалар томонидан колонизация қилиш асосан тугалланган. Деҳқончилик хўжалиги бу вақтда янада ривож топган. Аҳоли арпа билан бирга буғдой ҳам эка

¹ Қадимги дунё тарихи.–Ю.С.Крушкол таҳрири остида 2 ж. Т. 1975.

бошлаган. Ҳўкиз ва эшакни кўлга ўргатиш хўжалик соҳасида катта аҳамиятга эга бўлган. Меҳнат тақсимоти ва техниканинг ўсиши натижасида хунармандчилик анча ривожланган. Энди сопол идишларни кулол чархида ясай бошлашган, сопол идишларга даста қилинган, безак ва ҳар хил шаклдаги геометрик нақшлар солинган. Нақш ва буёқларнинг турлитуманлиги шунингдек, шаклларнинг етуқлиги, керамиканинг анча ривожланганлигини кўрсатади. Металлургия саноати ҳам анча тараққий этган. Мис асбоб ва қурооллар, суяк ва тошлардан ясалган асбоб ва қуроолларни борган сари кўпроқ сиқиб чиқара бошлаган. Қишлоқ хўжалиги ва хунармандчиликнинг ривожланиши савдони вужудга келтирган. Лекин савдонинг куртаклари авваллари ҳам бир қадар мавжуд бўлган. Энг қадимги савдо алоқалари Ўрта Месопатамия билан Шимолий Иккидарё оралиғи, Элан, Ғарбий Эрон ва Шимолий Сурия ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиб боришига сабаб бўлган, бу мамлакатларнинг ҳаммасида ҳам Жемдет-Наср буюмлари типидagi буюмларнинг топилиши шуни кўрсатади. Савдонинг пайдо бўлиши йўл-алоқа ишларининг ривожланишига сабаб бўлган. Ғилдирак, жанг араваси, юк аравасинин пайдо бўлиши шунингдек учи баланд ва қуйруқ томони кўтарилган махсус қайиқлар ҳам айнан шу даврда тарқала бошлаган. Моддий бойликнинг ўсиши ижтимоий табақаланишга олиб келган. Энг қадимги саройнинг каттагина 92x48 метр бўлган катта серҳашам бутун бир иморат харобалари бунинг бевосита далилидир. Кўмиш маросимлари ва бадий тасвирлар деҳқончилик эътиқодларининг янада ривожланганлигини кўрсатади, булар орасида она маъбуда эътиқоди кўзга кўринарли ўрин тутди.

Месопатамиядаги энг қадимги манзилгоҳларни қазилар катта археологик манбалар берди. Бу манса аҳолининг этник таркиби ҳақида манба олимларга Иккидарё оралиғининг энг қадимги аҳолиси қандай қабилаларга мансуб бўлган ва шунингдек, шумерийларнинг ҳамда Аккад семитларнинг

энг қадимги қабилалари қаердан ва қайси даврда Месопатамияга келган, деган бир қанча муҳим масалаларни қўйишга имкон берди. Олимлар бу муаммоларни ҳал қилиш учун турли-туман тахминий фикрларга келдилар. Аммо, бу тахминий фикрларнинг бирортаси ҳам исботланиши мумкин эмас, чунки энг қадимги археолгик қатламлардан топилган ва бу масалаларни ёритиш мумкин бўлган архаик ёзувлар жуда ҳам камчиликни ташкил қилади. Ҳозирги вақтда, Аккад семитлари ва Жанубий Месопатамия шумерийлари ўзларининг ташқи қиёфалари жиҳатидан ҳам, тиллари жиҳатидан ҳам бири-биридан кескин фарқ қилганликларинигина бир қадар ишонч билан маълум манбаларга таянган ҳолда айтишимиз мумкин.¹

Ташқи қиёфа ва тил жиҳатидан Сурия-Месопатамия дашти, Сурия ва Арабистондаги семит қабилаларига яқин бўлган Аккад семитлари Иккидраё оралиғига ғарбдан келган бўлсалар керак.

Шумерийлар Уруғ маданияти давридаёқ қуйи Месопатамияда яшаган деб тахмин қилиш мумкин, аммо шумерийлар маданиятининг айрим элементлари ундан ҳам қадимги давр бўлган Ал-Обейд давридаёқ пайдо бўлган.

Шумер ва Аккаддан топилган бир қанча ҳужжатлар дастлаб оилада пайдо бўлган қулчиликнинг ана шу яширин шакллари мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Шумер давлати қонуний кодексида ёзилган энг қадимги оилавий ҳуқуқ отага ўз болаларини қул қилиб сотиш ҳуқуқини берган. Бу ҳуқуқ фақат қонунда ёзилган қуруқ гап бўлиб қолмасдан, балки оилавий турмушда доимо амалга оширилиб келган реал ҳуқуқ бўлган. Ота-оналарнинг ўз болаларини қул қилиб сотиш ҳоллари кўп бўлган, шу билан бирга, қулликка сотиш шартлари алоҳида ҳужжатга ёзилган бўлиб бундай ҳужжатлар ҳозирги замон қонунчилигида ҳам бор, сақланиб қолган.

¹ Дъяконов И.М. Люди города Ура. М. Наука 1988

Бегона болани ўғил қилиб олиш одати болаларни қул қилиб сотишни бир мунча ниқоблаган, аммо бола бировга ўғил қилиб берилганида бу нарса кўпинча махсус ҳужжат билан мустаҳкамланган. Ўғил қилиб олувчи одам боланинг отасига асранди учун маълум миқдорда пул тўлаган. Шундай қилиб асранди қилиб олиш бола сотишнинг яшириш шакли, кўриниши бўлган.

Хотин-қизларнинг тўла ҳуқуқли бўлмаганлиги қадимги Шумер-Аккаддаги патриархал оиланинг характерли хусусиятидир. Бу ҳол кўп хотин олиш одати туфайли янада чуқурлашган. Қизларни қул қилиб сотиш ҳоллари кўп бўлган. Ҳужжатларда учрайдиган “хотин нархи” деган термин қизларнинг сотилганлигидан далолат беради. Кишиларнинг қарздорлик орқасида асоратга тушиб қолишлари қулчиликнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган. Камбағаллар бойлардан қарз, жумладан, ғалла қарз олишга мажбур бўлганликлари кўпгина ҳужжатларда кўрсатилган. Ўз-ўзидан маълумки, камбағалларнинг кўпинча бу қарзларни кўпайиб кетган фоизи билан бирга ўз вақтида тўлашга қурби етмаган. Қарзга ботиб қолган камбағал кўпинча судхўрнинг тузоғига илинган. Камбағал муқаррар қулликка тушиш ҳавфи остида қолган.

Аммо дастлабки вақтларда уруғ-қабила иттифоқининг бир-бирига қарши тинмай олиб борган, кейин эса Шумер ва Аккад каби мустақил давлатларнинг шунингдек бундан ҳам йирикроқ давлатларнинг қўлини халқлар билан доимо олиб берган ўзаро шиддатли урушлари қулчиликнинг энг қадимги ва энг муҳим манбаи бўлганлиги тарихий илмий маълумотлар асосида бизгача етиб келган.

Бу урушларда аввало жуда кўп асир олинган ва уларни қулга айлантирганлар. Бу Шумер ёзувларида ўз ифодасини топган. “Қул” деган сўз “тоғли ўлкадан келган одам” тушунчасини берадиган мураккаб белги воситаси билан ёзилган. Шарқий томонда тоғлар орасида яшаган қабилалар

билан олиб борилган урушларда қўлга туширилган асирларни одатда қулга айлантирган.

Шумерда қулларни “саг” (бир дона) деб Аккадда эса “Арду”(хароб одам) деб, ёки “решу” деб атаганлар. Бу ҳол шуни кўрсатадики, Шумер ва Аккадда эрамиздан аввалги учинчи минг йиллардаёқ қулдорлар эксплуатацияси шаклари тузилиши анча тараққий этган. Қулга айлантирилган озод кишиларни товарга ёки қорамолга тенглаштириб, уларни доналарб ёки бош ҳисобида санаб, энди уларга бутунлай қул деб қарайдиган бўлганлар. Сақланиб қолган ҳужжатларда ёзилишича, қуллар тез-тез сотилиб турган. Қулларнинг нархи 14 шекелдан 20 шекелгача бўлган.

Шумер ва Аккад давлатлари замонида доир ҳужжатларда, дарё ва каналларнинг тошқинларини йўлга солиб туриш, тошқин натижасида бузилган ерларни тиклаш, тузатиш, қирғоқларни мустаҳкамлаш ҳовузларни сув билан тўлдириш, далаларни суғориш ишларини тартибга солиш, бу билан боғлиқ бўлган ҳар хил ер ишларини бажариши каби турли хил ишлар қилинган баён этилган. Шумер давридаги қадимги каналларнинг қолдиқлари жанубий Месопатамиянинг айрим туманларида, чунончи, Умма вилоятида ҳозирга қадар сақланиб қолган. Ёзувларга қараганда бу каналлар шундай катта бўлганни, уларда ғалла ортган катта-катта қайиқлар ҳатто кемалар ҳам бемалол юра олган. Бу улкан ташкилий ишларнинг ҳаммасини давлат ҳокимияти қилган.

Суғориш соҳасида катта-катта ишларнинг ташкил этилиши, қўлини мамлакатлар билан олиб борилган энг қадимги айрибошлаш савдосининг ривожланиши ва доимий урушлар давлат ҳокимиятини марказлаштиришни талаб этган. Қадимги Шумерда маъмурий ҳокимиятни марказлаштириш йўлидаги дастлабки интилишларни ундаги “нубанда” унвонига эга бўлган олий амалдорнинг вазифалари ҳам кўрсатиб турибди. Бу амалдорнинг унвонини Лагашдаги эрамиздан аввалги XXIV асрга мансуб ёзувларда ҳам

учрайди. Бу ёзувларга қараганда, мамлакатдаги барча хўжалик ҳаётини идора қилиш нубанда қўлида бўлган. Нубанданинг вазифаси ва ваколати жуда кенг бўлган. Бу даврдаги, яъни эрамиздан аввалги XXIV асрга оид ёзувларга қараганда нубанда деҳқончилик ишларини, жумладан, сунъий суғориш системаси билан боғлиқ бўлган ер ишларини ўзи бошқарган.¹

Сўнгра, ер улашиш, қишлоқ хўжалиги асбоблари тарқатиш ва уларни ремонтга топшириш, озиқ-овқат омборлари ва подшо хазинасини бошқариш ишлари ҳам Нубанданинг вазифасига кирган. Ниҳоят Нубанда давлат архивига ва айрим шахслар ўртасида шартномалар тузиш ишларини олиб борадиган фуқаролар палатасига бошчилик қилган. Бу даврда Шумер ва Аккадда турли амалдорлардан иборат энг қадимги маҳкамалар ташкил қилинган. Масалан, хўжалик маҳкамаси таркибига савдо ишларини олиб борувчи махсус агентлар-дамкарлар кирган. Дамкарлар орасида “улуғ дамкар патэси” алоҳида ўрин тутди. Бу уларнинг бошлиғи вазифасини бажарган бўлиши ҳам мумкин. Махсус омбор ёки озиқ-овқат омборларини “дуггур” деб аталувчи махсус амалдор бошқарган. Молия солиқ маҳкамаси таркибига “машким” деб аталувчи солиқ йиғувчилар киритилган. Ниҳоят ҳарбий қўмондонлар яъни галь-уку мансаблари пайдо бўла бошлаган. Бу эса шу даврда Шумер ва Аккадда ҳарбий ишларнинг анча тараққий этганлигини билдиради.

Шумер ва Аккад ҳудудида эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликдаёқ энг қадимги шаҳарлар вужудга келган. Бу шаҳарлар айрим майда давлатларнинг хўжалик, сиёсий ва маданий марказлари бўлган. Мамлакатнинг энг жанубий қисмида, Форс қўлтиғининг соҳилида Эриду деб номланган шаҳар қад кўтарган. Ур шаҳри эса катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Яқинда ўтказилган қазилар натижаларига қараганда, Ур шаҳри қудратли бир давлатнинг маркази бўлган. Бутун Шумернинг диний ва

¹ Қадимги дунё тарихи.—Ю.С.Крушкол таҳрири остида 2 ж. Т. 1975.

маданий маркази бўлган Ниппурда худо Энлилнинг умум Шумер зиёратгоҳи-ибодатхонаси жойлашган. Шумернинг бошқа шаҳарлари орасида қўлини Умма билан доим кураш олиб борган Лагаш, ҳозир эса Ширпурла деб ҳам аталган шаҳар ва Урук шаҳри катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Ривоятларга қараганда бир вақтлар, Урук шаҳрида қадимги Шумер қаҳрамони Гильгамеш ҳокимлик қилган.

Бу энг қадимги давлатлардан баъзиларининг тарихи бизга айрим шаҳарларнинг харобаларидан топилган бир талай моддий маданият ва санъат ёдгорликларидан бошқа шаҳарларнинг харобаларидан топилган кўпгина ҳужжатлардан маълумдир.

Ур харобаларидан топилган ҳар турли зийнат буюмлари эрамиздан авалги учинчи минг йилликнинг бошларида техниканинг асосан, металлургиянинг бир мунча ўсганлигини кўрсатади. Шу даврдаёқ мисни қалай билан қўшиб, эритиб бронза тайёрлай олганлар, метеорит темирини ишлатишни ўрганганлар ва заргарлик санъатида ажойиб натижаларга айнан Урликлар эришганлар.

Шумер подшолигининг ташкил топиши Ур, Лагаш ва бошқа шаҳарлар таъсиридан чиқишига эрамиздан аввалги 2373-2349 йилларда ҳукмронлик қилган Лугальзаггисининг ўрни анча сезиларли эди.

Лугаль-заггиси Лагашни тор-мор келтириш ва истило қилиш билан чегаралланмаган. Умманинг бу қудратли ҳокими ўз олдида кенгроқ вазифани, яъни бутун Шумер ва бутун Аккадни ўз ҳокимияти остида бирлаштириш вазифасини қўйган. Суғориш тармоқларини марказлаштириш, Месопатамияга доим бостириб кириб турувчи чет эл истилочиларидан, тоғ ва кўчманчи қабилалардан мамлакатни мудофаа қилиш зарурияти бутун Шумернинг қадимги Шарқ деспотияси типигаги ягона йирик давлат бўлиб бирлашишини қаттиқ талаба қилар эди. Ана шу вазифани ҳам биринчи марта Лугаль-заггиси бажарган эди.

Лугаль-заггиси ёзувининг кўрсатишга, у Урук, Ур, Ларса ва Адабни ўзига бўйсундирган. Бутун Шумернинг диний маркази бўлган қадимги Ниппур шаҳри ҳам Лугаль-заггисига қарам бўлган. Лугаль-заггиси ўзини Урук ва Урнинг подшоси деб атаб, бу билан чинакам Шумер сиёсий ва маданий удумларини, анъаналарини сақлаб келган бу икки энг қадимги Шумер шаҳрини бирлашган Шумер подшолигининг пойтахтлари деб эълон қилган. Лугаль-заггиси бутун Шумер устидан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга уринар экан. Шумер шаҳарларининг қўҳинларига таяниб иш кўрган ва бу қўҳинларнинг асосий ҳудолари унга қомий бўлишини сўраган. У жуда кўплаб шаҳар ва давлатларни ўзига бўйсундирган. Лугаль-заггисининг кенг қўламдаги бу бирлаштирувчилик ва истилолчилик сиёсати йирик Шумер шаҳарларининг гуллаб-яшнашига ёрдам берганлиги маълум. Аммо Шумернинг бу гуллаб яшаш даври узоққа бормаган. У Лугаль-заггисининг 25 йиллик подшолик давридагина давом этган, холос. Тез орада қучли Аккад подшолиги вужудга келиб, бу подшолик мустақил ва бирлашган Шумер подшолигининг мустақил яшашга очикдан-очик ҳавф сола бошлаган. Бу икки қудратли давлатлар ўртасида эрта-кечми уруш бошланиб кетиши муқаррар бўлиб қолган эди. Бу курашда Аккад семитлари ғолиб чиққан, у Шумер жанубини ўзига бўйсундириб, ягона қудратли Шумер-Аккад подшолигини тузган. Бу янги подшолик Шумернинг аввалги подшолари олиб борган истилочилик ва бирлаштирувчилик сиёсатини янги қуч билан, кенг қўламда давом эттирган.

Шумерийлар жануби билан семитлар шимоли ўртасида муттасил давом қилган кураш, пировардида, семитлар шимолининг ғалабаси билан тугаган. Семитларнинг Аккад давлатини дастлаб қурган Саргон 1 Шумерни ўзига бўйсундирган ва Месопатамиянинг анчагина қисмини ўз ҳокимияти остида бирлаштирган. Саргон 1 катта сиёсий арбоб бўлганлиги бизга тарихда маълум. У ҳақидаги хотиралар яхши сақланиб қолган ва шеърӣй афсоналар

тарзида акс эттирилган. Шундай афсоналардан бирида Саргоннинг ташландиқ бола бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Саргоннинг онаси камбағал хотин бўлган ва ўз ўғлини боқишга имконияти бўлмаган. Шунинг учун ҳам онаси уни қамишдан ўрилган саватга солиб, Фрот дарёси бўйига олиб келиб бир жойга бекитиб қўйган. Битта мешкопчи уни топиб олади ва боғбон қилиб тарбиялайди. Маъбуда Иштар уни яхши кўриб қолиб, Сургонни Аккад подшоси қилиб қўйган деган афсона ўша замонда айтилган.¹

Саргон ҳокимиятни зўрлик билан қўлга киритган, янги династия тузган, бинобарин подшолик тахтига ўтиришга ўз ҳуқуқини қонуний асослаш имкониятига эга бўлмаганлигидан, Саргон ўзини бош маъбуда Иштарнинг яқин одами деб эълон қилган. Узурпаторнинг ўзига Саргон деб ном берганлиги ҳам ўз ҳокимиятини қонуниялаштиришга уринганлигини кўрсатади. Саргоннинг подшолик қилган даври Аккад подшолигининг фақат ташкил топиш давригина эмас, балки бу подшоликнинг ички ва ташқи аҳволининг мустаҳкамланиш даври ҳам бўлган. Саргон подшоллиги даврида ирригация тармоқлари бирмунча кенгайтирилган, янги каналлар ўтказилган. Шумер ва Аккаднинг бирлаштирилиши бутун дарё ва суғориш иситемасини умумдавлат кўламида тартибга солиб туришга имкон берган. Савдо-сотиқ ишларини мустаҳкамлаш мақсадида ўнли саноқ системага қисман асосланган ягона узунлик ўлчови ва оғирлик ўлчови системаси белгиланган. Ҳарбий сиёсатнинг ривожланиши муносабати билан Саргон “ҳар куни Саргон олдида овқатланадиган” 5400 жангидан иборат доимий қўшин тузган. Бу доимий қўшин Саргон ихтиёрида бўлган ва унга бир қанча катта истилоларини амалга оширишга имкон берган катта-катта армияларнинг ядроси бўлган. Саргон дастлаб Аккадда шз ҳокимиятини мустаҳкамлаш вазифасини қўйган. Саргон шу мақсад билан Аккаднинг энг қудратли шаҳри бўлган Кишни забт этган, лекин унинг мустақиллигини сақлаб қолган. Бутун Аккаднинг ҳокими

¹ Қадимги дунё тарихи. Ю.С.Крушкол таҳрири остида 2 ж. Т. 1975.

сифатида ўз обрўсини мустаҳкамлаш мақсадида бўлса керак Саргон ўзини “Киш подшоси” ва “Аккад подшоси” деб атаган. Саргон Аккада жуда мустаҳкамланиб олиб бутун Шумерни узил-кесил бўйсундириш мақсадида ўзининг бутун диққатини жанубга қаратган. Саргон жанубга қўшин тортиб бориб, Лугаль-заггиси қўшинларини ва уни қўллаб-қувватлаган 50 патэсини тор-мор қилган. Саргон Лугаль-заггисининг ўзини асир қилиб Ниппурга келтирган ва уни худо Энлилга қурбон қилганлиги ҳақида тахминлар ҳам мавжуд. Саргон Шумернинг энг муҳим шаҳарлари бўлган Урук, Ур, Лагаш ва Уммани босиб олиб, вайрон қилиб, бутун Шумерни эгаллаган, у Форс қўлтиғига етиб борган ва ғолиб чиққанлигини нишонлаб, “қиличини денгизда ювган”. Саргон Шумерни бўйсундириб, ўзига “Энлиль душманни раво кўрмаган мамлакат подшоси” деган ном олган.

Саргон Шумерда ўз аҳволини мустаҳкамлаб олиш учун мамлакатнинг жанубий-шарқий чегараларини беҳатар қилишга мажбур бўлиб, шу мақсад билан Эламга қарши қўшин тортиб борган. Бироқ бу истилочилик сиёсатининг ўзига хос салбий томонлари ҳам мавжуд бўлган. Истило қилинган мамлакатлар ва буйсундирилган халқлар Аккад билан ягона бир давлат бўлиб қўшилиб кета олмаганлар, улар истилочининг асоратидан қаттиқ азоб тортганлар. Иккинчи томондан, Саргон ўзининг 55 йил подшолик даврида олиб борган тўхтовсиз урушлари натижасида Аккад халқи жуда кўп қирилиб кетиб, камайиб қолган. Саргон подшолик қилган сўнгги йилларда мамлакатнинг бапоён Саргон давлатининг ҳамма ерларида қўзғалонлар бошланган, марказий ҳокимият эса, бу қўзғалонларни кўп қийинчиликлар билан бостирган.¹

Саргоннинг тахт вориси бўлган ўғли Римули ўз олдида дастлаб Шумер ва Эламдаги қўзғалонларни бостиришни асосий вазифа қилиб қўйган эди.

¹ Крамер С.Н. История начинается в Шумере. М. Изд-во восточной литературы 1991

Чунки ҳали яқин ўтмишдагина эркин бўлиб, мустақил ҳаёт кечирган даврлар хотирасини ёдидан чиқармаган бу мамлакатларда қўзғалонлар айниқса кучли бўлган. Римуш Шумер шаҳарларидаги қўзғалонларни бостиған, кейин Эламга бостириб кириб Суза ва Аван ўртасида Элам қўшинларини кириб ташлаган. У Шумер ва Эламни қайтадан Аккадга буйсундирган. Римуш ўзининг подшолик даврида Саргон юргизган сиёсатни давом эттириб, Аккад подшолигининг янада равнақ топишига асос солган. Лекин шунга қарамасдан, Римуш бутун мамлакатда тамомила тинчлик ўрнатишга муяссар бўла олмаган. У сарой амалдорлари томонидан ўлдирилган. Эски мустабид тузум ағдариб ташланган, унинг ўрнига янги ҳоким, унинг укаси Манитусу ҳокимият тепасига келган.

Маништусунинг ички сиёсати, асосан, уч подшолик даврида катта-катта истилолар натижасида вужудга келтирилган катта Аккад подшолигининг ички аҳволини мустаҳкамлаш зарурияти билан белгиланган. Маништусу Шумернинг обрўли коҳинларига ҳадялар бериб, уларни ўзига ағдариб олишга ҳаракат қилди. Шумер коҳинларининг қўллаб-қувватлашларига муқаррар эришиш мақсадида Маништусу махсус кўрсатма билан худо Шамаш ибодатхонасининг мулк ва даромадлари миқдорини аниқлаб берган, бундан ташқари, бу ибодатхонага назир қилиб, 30 талант миқдорида олтин ва кумуш ёмби берган.

Қадимги юксак Шумер маданияти Олд Осиё мамлакатларида яшовчи кўпгина халқлар маданиятига, ривожланишига кучли таъсир кўрсатган. Шумер тилидаги Гильгалиш эпоси хет ва хуррит тилларига таржима қилинган. Хуррит ва хеттлар яшаган мамлакатларда Шумер-Аккад худоларига сиғинганлар. Шумер санъатининг ёдгорликлари Оссурининг энг қадимги маркази бўлган Ашшур харобаларидан ҳам топиб ўрганилган. Ниҳоят Шумерда таркиб топган ҳуқуқий муносабатлар Бобил, Оссурия, Кичик Осиё ва Фаластинда ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланишига

каттиқ таъсир кўрсатган. Шундай қилиб, Олд Осиё халқлари қадимги Шумерийларнинг маданий меъросидан хийла кўп фойдаланганлар. Шумер Аккад давлатидаги маданий ёдгорликлар, маданий муҳит бошқа бир қанча халқлар маданиятининг вужудга келишга олиб келди.

Урнинг III династия подшолари бутун Олд Осиёда қудратли Шумер-Аккад подшолигининг гегемонлигини ўрнатиш мақсадида бирлашган бутун Месопатамиянинг катта хўжалик манбаларидан фойдаланиб, зўр ғайрат билан истилочилик сиёсатини олиб борганлар. Бу истелочилик сиёсати подшо Шульге даврида ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилган подшо Шульги Шарқий тоғликларга, Сумуру ва Лулубей қабилаларига қарши 9 марта кўшин тортиб борган, Эламга бостириб кирган, Аншанни вайрон қилган ва бу ерда Шумер патәсисини ҳоким қилиб қолдирган. Шульги шарқда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб, кейин шимолга қараб отланган ва Субарту мамлакатини ҳамда Дажланинг юқори оқими бўйлаб жойлашган вилоятларни босиб олган. Ниҳоят, Шульги узоқ шимоли-ғарбга кириб борган. У Сурияни истило қилган ва ўша вақтларда Шумернинг ва Шумер маданиятининг кучли таъсири остида бўлган Кичик Осиёнинг шарқий қисмига ҳам кириб борган. Аккаднинг аввалги қудратини қайта тикланган катта ва қудратли Шумер-Аккад подшолиги ана шундай вужудга келган. Ўша замонда расмий дин бўлиб бораётган подшога эътиқод қилиш Ур подшолари қудратининг ташқи ифодаси вазифасини бажарган.

3-§.Қадимги Месопатамия аҳолисининг машғулоти.

Месопатамияда жуда қадим замонлардаёқ суғориш каналларининг жуда кўп тармоқлари вужудга келтирилганлигига қарамасдан қишлоқ хўжалиги асбобларини тайёрлаш техникаси жуда ибтидоий бўлган ва турғунликда қолган. Ерни ишлашда бир неча минг йиллар давомида энг оддий мотиға, ерни юмшатиш учун алоҳида мола ва ибтидоий плуглардан

фойдаланиб келганлар. Ерни ағдариш яъни плуглар омовга ўхшаш жуда оддий бўлган Ўримда одатда оддий ясалган ўроқдан фойдаланганлар. Энг қадим замонларда бу ўроқни ёғочдан ясаб, тиғини ўткир чакмоқ тошдан ишлаганлар. Ғалла янчишда қорамолдан фойдаланганлар. Мол хирмонда айланиб юриб, бошоқларни оёқлари билан эзиб янчганлиги бизга тарихдан маълумдир. Ғаллани белкурак билан совурганлар ва омборларда сақлаганлар.

Месопатамияда энг қадимги вақтларданоқ дон ўсимликларининг ҳар хил турлари маълум бўлган, булар орасида арпа биринчи ўринда турган. Арпа билан бир қаторда асосан нон ва пиво тайёрлаш учун ишлатиладиган полба ҳам маълум бўлган. Месопатамияда буғдой экини кам тарқалган. Буғдой полба ва арпага қараганда икки баравар қимматга тушган. Ниҳоят, Шарқда ҳозирги вақтгача сақланиб келган дурра ҳам экилган.

Шумерийлар давридаёқ нисбатан ер унум деҳқончилик экинлари, сабзавотчилик ва боғдорчилик аста-секин ривожланиб борган. Буни қадимги Шумер тилида дала, боғ, ўтлоқ ва тоқзор қўличи ва боғбон деган алоҳида сўзларнинг борлигидан билиш мумкин. Шумер аҳолисининг асосий кундалик машғулоти сирасига шуларни киритиш мумкин.

Қадимги Месопатамияда турли сабзавот ва мева дарахтлардан ташқари, энг қадимги замонлардан буён экилиб келган хурмо дарахти жуда катта хўжалик аҳамиятига эга бўлган. Махсус хурмо боғлари бўлган, бу хурмоларнинг баъзи бир навлари сунъий равишда яхшиланган, янги нав яратилган. Хурмонинг ҳосилини кўпайтириш мақсадида махсус сунъий чанглантиш усули қўлланилган, буни тасдиқлайдиган диний суратлар ҳам мавжуд. Уларнинг қатъий аниқланган типлари то Оссур давригача сақланиб келган. Хурмонинг муҳим хўжалик аҳамиятига эга эканлиги адабиётда, тасвирий санъатда ва динда ифода қилинган.

Хурмо дарахти азалдан муқаддас дарахт ҳисобланиб келинган. Масалан, “Ларса” хокими Гун-Гунум ўз подшолигининг иккинчи йилида

куёш худоси Шаманга бронзадан ясалган икки хурмо дарахтини ҳадя қилган. Хурмо дарахтига сиғиниш натижасида муқаддас “ҳаёт дарахти” деган афсона келиб чиққан. Шумер-Аккад давридаги муҳрларда ҳам хурмо дарахтининг тегишли тасвирлари узоқ вақтгача сақланиб келган.

Энг қадимги Месопатамияда қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда ҳунармандчилик ҳам ривожланган. Бироқ, мамлакатда энг муҳим хом ашёларнинг йўқлиги ҳунармандчиликнинг ривожланишига анча тўсқинлик қилди. Месопатамиянинг жанубий қисмида металл ҳам етарли даражада тош ва ёғоч ҳам бўлмаган. Шунинг учун бу ерда етишмаган хом ашёлар ўрнига қадим замонлардаёқ асосан лой ва қамиш ишлатилганлиги тахмин қилинди.¹

Ёғоч, тош ва металл ўрнига кўпинча лойдан фойдаланилган. Лойдан бочка, яшик, қувур ва тобутлар ясаганлар. Энг қадимги вақтларда лойдан сопол идишлар ясаганлар.

Қадимги Месопатамияда ёғоч ўрнига ишлатилган қамиш ва шакар қамиш энг муҳим хом ашё бўлган. Икки дарё оралиғида бундай қамишлар кўп бўлиб, унинг турли хил турлари ўсган. Қамиш ва шакар қамиш қурилиш материаллари сифатида ўриб тўқиладиган ҳар хил нарсалар тайёрлашда, шунингдек, кемасозликда ишлатилган. Месопатамияда дарахт кам бўлганлиги туфайли ёғоч жуда қиммат турган. Уйни ёғоч қисмисиз ижарага олиш одати ёғочнинг қиммат бўлганлигини кўрсатади. Ижарачи одатда уйнинг барча ёғоч қисмини ўзи олиб келган, бу уйдан кўчиб кетаётиб, бошқа мулклари билан бирга ёғочларини ҳам олиб кетган.

Шумерийлар ёғочдан қурул ўқ, ёй, меҳнат асбоблари, юк аравалари, жанг аравалари, кемалар ясаганлар. Чорвачиликнинг кенг ёйилиши кўпчиликнинг ривожланишига ёрдам берган. Теридан от-улов анжомлари, пойафзал, дубулға, совут ва ўқдонлар, кейинги даврда ҳатто пергаментга ўхшаган алоҳида ёзув учун махсус материал ҳам қилинган. Тўқувчиликдан

¹ Крамер С.Н. История начинается в Шумере. М. Изд-во восточной литературы 1991

зиғир толаси ва жун ишлатилган. Чорвачиликнинг ривожланиши жун тўқималарнинг кенг тарқалишига имкон берган.

Металлнинг кашф этилиши техникада катта ўзгариш ясаган. Месопатамия жанубий қисми халқларига маълум бўлган дастлабки металлдан бири мис бўлган, миснинг номи шумер тилида ҳам аккад тилида ҳам учрайди. Ўзига хос мис саноати эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг биринчи ярмигача деярли сақланиб келган.

Мисдан турли-туман буюмлар, жумладан, қурол-яроғ, меҳнат асбоблари ясалганлиги аниқланган. Ур шаҳрида қазилар ўтказилар вақтида жуда кўп ва ҳар хил иш асбоблари топилган. Зўр моҳирлик билан ясалган мис ҳайкалчалар ва бўртма расмлар эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг ўрталаридаёқ металлургиянинг маълум даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Месопатамия аҳолиси асосан ўша даврга хос бўлган барча машғулотларни энг пухта эгалланган моҳирлар ҳисобланган. Улар, деҳқончилик яъни суғорма деҳқончилик, қишлоқ хўжалигининг барча сҳалари билан шуғулланиш қаторида энг оғир меҳнат ҳисобланган металл эритиб унда меҳнат қуроллари, жанг қуролларини яшаш санъатини ҳам эгаллашган эди. Бу санъати кейинчалик Месопатамия шаҳар давлатларида ҳам аҳолининг кўп машғулотли бўлишини кўрсатарди.

2.Боб.Қадимги Ҳиндистоннинг илк деҳқончилик маданияти.

1-§.Қадимги Ҳиндистонда жамоавий муносабатлар.

Дунёдаги энг катта мамлакатлардан бири бўлган Ҳиндистоннинг кенг худудига жойлашган кўп миллионли Ҳинд халқлари оммаси тарихда муҳим роль ўйнади. Қадимги Шарқ билан шуғулланувчи тарихчилар Ҳиндистоннинг қадимги замондаги тарихий аҳамиятини шунингдек ҳинд маданиятининг чуқур негизларини очиб беришни ўз вазифаларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Шмиоли-ғарбий Ҳиндистонда катта давлатлар мавжуд бўлганлигидан далолат берувчи энг қадимги ёдгорликлар эрамиздан аввалги учинчи минг йилликка оиддир. Қазилар вақтида шу нарса аниқландики, Ҳиндистон тарихининг шу давридаёқ Ҳиндистонда катта шаҳарлар мавжуд бўлган, мамлакатда ўзига хос мероглиф ёзувчи бўлган қабилалар яшаган. Қадимги Ҳиндистон маданияти равақ топиб, эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда энг юксак даражага етган.

Хўжалигининг энг муҳим турларидан бири деҳқончилик бўлган. Ҳинд дарёси водийсидаги жуда кўп далаларда буғдой ва арпанинг қадимги навлари экилан, нўхат, қовун етиштирилган, ниҳоят мато тўқиш учун пахта етиштирилган. Хурмо меваларидан ҳам фойдаланилган. Ерлар жуда қўпол омовлар билан тишлари кремний сланецидан қилинган. Ўрим вақтида мис ўроқлар ишлатилган. Донлар катта омовларда сақланган, бу омовларнинг қолдиқлари Хараппадан топилгандир. Шаҳар қўрғони яқинида катта дон омовларининг бўлганлигига қараганда давлат ҳокимиятининг озиқ-овқат захираси кўп бўлган.¹

Озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолидан эркин жамоачилардан натура тўловлари тарзида йиғилган бўлса керак. Аҳолининг кескин суратда

1. Авдиев В.И. История древнего востока. М.1948, 1953, 1976.

синфларга бўлинганлиги, шубҳасиз, кулдорлик пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Панжоб дарёсининг унумдор водийларида ўрнашиб олган чорвадор орий қабилалари маданий жиҳатидан анчагина юқори даражада турган, шимоли-ғарбий Ҳиндистонда бой шаҳарлар ҳамда икки бирлашган давлат барпо этган ўтроқ деҳқон қабилаларни забт этиб, уларни эзганлар ва суриб чиқарганлар. Аммо, шу билан бирга, орийлар туб қабиланинг маданиятидаги кўпгина элементларни ва биринчи ўринда деҳқончилик хўжалигини ўзлаштириб олганлар. Ҳайдаладиган ер майдонларини кенгайтириш учун кўпгина ўрмонларни очиш зарур эди. Шу сабабли қалин ўрмонларнинг йўқ қилинишини “Махабхарата” муаллифи ўз поэмасида ёрқин, образли тасвирлаган.

Ўрмонлардан тозаланган ерларни одатда хўкиз қўшилган катта оғир ёғоч омоч билан ҳайдаганлар. Ерни юмшатиш учун мола, мотиға ва кирки ишлатган. Қадимги Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган, шимолий Эрон, Ўрта Осиё, Закавказье ва Кичик Осиёда ёввойи ҳолда ўсадиган арпани эка бошладилар. Бундан ташқари тарик, сўли, дуккакли экинлар ва зиғир ҳам маълум бўлган. Кейинчалик шоли, кунжут ҳам иқлимлаштирилган. Орийларнинг деҳқончилигида суғориш катта аҳамиятга эга бўлган. Ригведада ёмғир тилаб ёзган дуолар, шунингдек тошқин вақтида ерларни намлаб, унумдор қилиш ҳамда одамларга яхши ҳосил ином қилиш ҳақида муқаддас дарёларга ёлвориб қилинган мурожаатлар сақланиб қолган. Замон ўтиш билан деҳқончилик техникаси бирмунча такомиллашиб борган. Заранг ерлар қўшалок қўшлар(6-12 та хўкиздан иборат) билан чуқур қилиб ҳайдаладиган бўлди. Кейинги вақтларга доир баъзи бир матнларда йилига икки марта ҳосил олинганлиги кўрсатиб ўтилган. Деҳқончилик аста-секин шарафли ва олижаноб ишга айланади. Ману қонунларида деҳқончилик ҳам

тилга олинади. Брахманга дон йиғиш ва уни етиштиришга рухсат этилади, шу билан бирга, дон ва ёввойи шоли йиғиш “эзгу” иш деб ҳисобланади.

Ҳиндистоннинг “орийлар” истилосидан кейинги энг қадимги ижтимоий тузумини жуда бурунги ёзма манбалар, диний тўпламлар-ведалар ва қонунлар тўпламлари асосида қишлоқ жамоасининг мавжудлиги унда патриархал оиланинг пайдо бўлганлиги билан белгилаш мумкин. Бу тузум уй ёки оила ва қишлоқ жамоасининг мавжудлиги, унда патриархал оиланинг анча тараққий қилганлиги ва энг қадимги қулдорликнинг пайдо бўлганлиги билан характерлаш мумкин.

Турғун ҳолдаги патриархал ҳаёт шаклларида узоқ вақтларгача яшаб келган алоҳида оилавий жамоанинг мавжудлиги қадимги Ҳиндистондаги ижтимоий тузумнинг ўзига хос бир шаклидир.

Қадимги Ҳиндистон тарихини ҳозирги замонда текширувчи олимлар қадимги Ҳиндистонда умум оилавий мулкка, умумий тураржойга, умумий истеъмолга ва оилавий диний маросимларни биргаликда ўтказишга асосланган жамоалар бор эди, деб кўрсатадилар.

Қадимги ҳинд тилида уруғ-қабила, оила ва қишлоқ жамоаларини билдирадиган алоҳида сўзлар сақланиб қолган. Масалан: қадимги грек сўзи бўлган уруғ сўзига тўғри келадиган “жана”; задруга катта оила маъносини билдирадиган “вишь”, ниҳоят, қишлоқ жамоаси маъносини билдирадиган “грама” ибораси шулар жумласидандир. Ишлаб чиқарувчи кучлар қон-қариндошлик қўшничилиikka айланиб кетади.

Ведаларда жуда қадимги замонларга оид кўпгина ишоралар қисман қадимги жамоа тузумини ифодаловчи ишоралар сақланган. Ҳозирги замон тарихчиси Данге, Ведадаги яжна маросими ишлаб чиқариш қадимги жамоа усулининг динда акс этишидир, деб фараз қилади. Яжна урф-одатининг энг қадимги шаклида, сатра урф-одатида жамоа аъзолари топган маҳсулотлар ўзаро тақсим қилинган ва умум истеъмолига сарфланган. Бу қадимги

жамоанинг барча аъзолари қон-қариндош бўлганлар ва биргаликда ишлаш учун маълум муддатга алоҳида шахсларни сайлаб қўйганлар. Сақланиб қолган терминлар қадимги жамоанинг меҳнати ва турмушини акс эттиришга имкон беради. Жамоа ҳаётининг маркази-доимо ёниб турган катта муқаддас гулхандан иборат жамоа ўчоғи бўлган.¹

Дон, сут, мой ва шу каби асосий озиқ-овқатлар жамоа омборида сақланган. Махсус доирасимон майдон кундалик ишни бажариш, биргаликда овқатланиш, шунингдек жамоа йиғинида умумий ишларни ҳал қилиш жойи бўлиб хизмат қилган.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиб бориши ва мулкӣ табақаланишнинг кучайиб бориши билан жамоа ичида ўзига бадавлат гуруҳлар ажралиб чиқа бошлайди, булар орасида эса мансабдор шахслар сайланади, улар жамоа хўжалигини идора қилишга қасам ичирилади.²

Шу шахслар жамоа маҳсулотларини ҳамда ҳарбий ўлжаларни тақсимлаш ҳуқуқига ҳам эга бўлганлар. Жамоанинг бошлиқлари бўлган бу шахслар жамоанинг асосий бойликлари: подалар, қурол-яроғлар, зеби-зийнатлар, металлларни аста-секин эгаллай бошладилар ва энг яхши ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб олишган эди. Дастлаб ҳарбий қўмондон бўлган одамлар айна бир вақтда хўжалик раҳбарлари ҳам бўлган. Аммо кейинчалик, бир томондан, жамоа хўжалигига раҳбарлик қилган шахслар ва диний маросимларни ижро этган кишилар-брахманлар, иккинчи томондан эса ҳарбий йўлбошчилар киятриялар ажралиб чиққан. Бу ҳар иккала раҳбарлар ўзларининг мулкӣ имтиёзларидан фойдаланиб, бой жамоа аристократиясини ташкил қилган.

Шахсий мулнинг пайдо бўлиши оилавий ва қишлоқ жамоаларининг негизига путур етказа бошлади. Алоҳида оилалар ажралиб чиқа бошлади, бу

¹ Крамер С.Н. История начинается в Шумере. М. Изд-во восточной литературы 1991

² Д.Г.Редер, Е.А.Черкосова. Қадимги дунё тарихи. I-II қисм. Тошкент 1974-1975.

оилалар ўз навбатида, бир томондан, бой патриархал оилаларга ва иккинчи томондан, камбағал оилаларга ажралади. Жамиятда мулкӣ ва синфӣй табақаланиш ана шу тариқа вужудга кела бошлади.

Қадимги Ҳиндистонда патриархал оила катта аҳамиятга эга бўлиб, бу оилада бутун мулк, ҳокимлик эр ва ота яъни оила боши қўлида бўлган. Патриархал оила бошлиғи бўлган отагина ота-боболар шарафига қурбонлик бериш ҳуқуқига эга бўлган. Бу дин томонидан қадимги ҳинд патриархига чексиз ҳокимлик учун берилган ўзига хос бир ижозат бўлиб, у ўз оиласининг истаган бир аъзосини бировга ёллаб бериш, сотиш ва ўлдириш ҳуқуқига эга бўлган. Қадимги Ҳинд патриархал оиласида хотин-қизларнинг камситилганлиги қонунларда очик баён қилинган. Бу Ману қонунларида ҳам ўз аксини топган.

Қиз бола, ёш жувон ёки кекса хотин ҳатто ўз уйида ҳам ўз ихтиёрича ҳеч нарса қилмаслиги керак. Болалигида қиз ўз отасига, ёшлигида ўз эрига, эри ўлгандан кейин ўз ўғилларига итоат қилмоғи лозим. Қиз бола отасидан, хотин киши эри ёки ўғилларидан ажралиб туришга ҳеч қачон интилмаслиги керак. Бордию уларни ташлаб кетар экан, у ҳар иккала оилани ҳам нафратга дучор қилади. У отаси ёки ота рухсати билан акаси кимга хотинликка беришини маъқул кўрса, ўша кишига итоат этмоғи лозим.

Қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатлари қатори қадимги Ҳиндистонда ҳам тўнғичлик ҳуқуқи одатининг ҳукм суриши патриархал оилани мустаҳкамлашга ёрдам берган. Бу одатга мувофиқ энг катта ўғил мерос хўрликда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлиб, Ману қонунларига кўра, отанинг бутун мол-мулкани ўзига олиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган.

Бошқа ўғиллар эса ота қарамоғида қандай яшаган бўлсалар, ака васийлигида ҳам шундай яшашлари лозим. Апастамба қонунларида айтилишича, катта ўғил бирдан-бир меросхўрдир. Бирмунча кейинроқ, патриархал оила заифлашган даврда бошқа ўғиллар ҳам меросхўрлик

ҳуқуқини оладилар. Бироқ тўнғичлик ҳуқуқи ва отадан қолган мулкнинг кўп қисмига меросхўр бўлиш учун имтиёзли ҳуқуқ катта ўғилда доимо сақланади.

Жамоа бўлиб деҳқончилик қилиш жуда қадимдан бошланган. Қишлоқ жамоалари ҳам оила жамоалари ҳам ерга эга бўлганлар. Патриархал оила мустаҳкамланиши билан бир вақтда ерга эгалик қилишнинг хусусий эгалик ҳуқуқи ҳам пайдо бўлган, шу билан патриархал оила бошлиқлари бирмунча мулкни ўз қўлларига тўплаганлар. Ерга ҳам эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам олишган.¹

Бироқ мулкий жиҳатдан табақаларга бўлиниши умумий хўжаликка асосланган қадимги оилавий жамоаларни ҳам, жамоа ер эгалигига таянган қишлоқ жамоаларини ҳам тарқатиб юбора олмаган. “Махабхарата”да эски жамоа тузуми идеал аниқ бир нарса ҳисобланади. Мулкларнинг қариндошлар ўртасида ҳар қандай тақсим қилиниши зарарли енгилик деб қораланади.

Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришларининг янада ривожланиши, унинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши ва савдонинг тараққий этиши ҳар ҳолда анча бой ва бадавлат одамларнинг жамоаларидан ажралиб чиқишига сабаб бўлди, улар ўз хўжаликларида қуллар меҳнатини эксплуатация қиладиган бўлдилар. Қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги сингари Ҳиндистонда ҳам ҳарбий асирларни қулларга айлантирганлар. Қулларни худоларга қурбонлик қилганлар.

Қулчиликнинг ривожланиш синфий зиддиятларни чуқурлаштиришга, ҳоким синфларнинг қулдорлар аристократиясининг иқтисодий ҳам ижтимоий жиҳатдан кучайишига олиб келди. Жамоа аъзолари ўртасидан чиққан коҳинлар оқсоқоллар ва қабила йўлбошчиларидан ташкил топган уруғ жамоаларига бирлашган оддий халққа қарама-қарши қилиб қўйилади.

¹ Д.Г.Редер, Е.А.Черксова. Қадимги дунё тарихи. I-II қисм. Тошкент 1974-1975.

Ригведада айтилишича, жамоалар йўлбошчи олдида бош эгадилар унинг ўтмишдоши брахмандир. Урушлар, маҳаллий халқларни асоратга солиш ва ички мулкӣй табақаларга бўлиниш қўлчиликнинг узил-кесил шаклланишига ва икки энг қадимги синфнинг-қулдорлар ва қулларнинг пайдо бўлишига замин тайёрлаб берди. Энг қадимги қулдорлик тизимини мустаҳкамлашга, интилиш алоҳида системанинг пайдо бўлишга олиб келди, бу система, бир томондан, коҳинлар ва жангчилардан иборат бўлган уруғ аристократияси, иккинчи томондан эркин халқ оммаси ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатиш, шунингдек истилочилар билан бўйсундирилган аҳоли ўртасида ўзаро муносабатларни йўлга қўйишни ўзига мақсад қилиб олган эди.

Синфий жамият ва қулдорлик давлати даврига оид бўлган бу энг сўнгги тушунчалар табақаланишнинг энг қадимги шаклларида ҳоким синф ўз манфаатлари учун фойдаланишга уринганлигини кўрсатади. Бу табақаланишни оддий ҳуқуқда ва коҳинлар ҳуқуқида расмийлаштириш мақсадида тўртта асосий варнага бўладилар. Бу система қулларни эксплуатация қилишга ва кенг аҳоли оммасини эзишга асосланган энг қадимги синфий тузумни тасдиқлаб ва мустаҳкамлаб бериш лозим эди. Улар, коҳинлар-брахманлар, аскарлар-кшатриялар, деҳқонлар-хунармандлар, савдогарлар-вайшилар, шудралар эзилган камбағал қуллар.

Қадимги Ҳиндистонда истибдод шахлини ўзида ифодаланган давлат вужудга келади, бу давлат шакллари биз қадимги Мисрда, қадимги Оссурияда ва қадимги Эронда кўриб ўтган эдик. Бу давлатни бошқарган подшонинг обрўйини мустаҳкамлаш учун диндан кенг фойдаланилади. Коҳинлар подшо худодир, шунинг учун подшонинг буйруқларини худонинг амридек бажармоқ керак деб таълим берардилар. Подшо худонинг ердаги сояси деб ҳисобланар эди. Ману қонунларида подшо “одам қиёфасидаги улуғ илоҳдир” дейилади. Шунинг учун подшо муқаддас ва дахлсиз деб

ҳисобланган, брахман қонунларида “эҳтиётсизлик билан подшога яқинлашган” киши ўтда куйдирилади деб кишиларнинг қўрқитишган. Диний қарашлар меҳнаткаш оммага давлат ҳокимияти органларига ва унинг бошлиғи-подшога тшла итоат этиш ва бўйсунитишни уқтириш кераклиги айтилади.

Илоҳийлаштирилган подшо давлатни идора қилишда асосан иккига олий варна: коҳинлар ва жангчиларнинг вакилларида иборат бўлган ҳийла катта ва кучли бюрократик аппаратга таянган. Кшатриялар варнасига кирган йирик қулдорлар, мамлакатни идора қилишда катта таъсир кўрсатганлар. Апастамба қонунларида кўрсатилишича, кшатрияларнинг қонуний машғулоти брахманларнинг қонуний машғулоти билан фарқ қиладики, кшатриялар давлатни идора қилишда ҳам ҳарбий ишларда ҳам қатнашганлар. Ману қонунларида эса, подшо ўз министрларини мард, ҳарбий ишларда бир неча марта синовдан ўтган, тажрибали аслзода одамлар орасидан танлаб олиб тайинлаши шарт бўлган. Шу жиҳатдан, иккита қонун ҳам ўхшаб кетади.

Энг қадимги қулдорлик давлати ташкил топаётган даврда маҳкамалар, жумладан ҳарбий ва суд маҳкамалари пайдо бўлади. Қулдорлик давлатининг асосий таянчи армия бўлиб, бу армия тўртта асосий туга: пиёда, отлик, жанг аравасида юривчи аскарлар ва фил минган аскарларга бўлинган. Ҳарбий ишда ўқ-ёй ва жанг аравалари айниқса кўп қўлланилган. Шу туфайли қадимги Ҳиндистондаги ҳарбий санъат “ўқ-ёй илми” деб аталган. Жанг араваларидан энг қадимги замонларданок фойдаланиб келганлар. Ведалар тузилган даврдаёқ қўлга ўргатилган жанг филлари ҳинд армиясининг таркибий қисми бўлиб, чет эл аскарларига қаттиқ даҳшат солган. Филларни

жанг қилишга ўргатишни юқори техникасини ҳамда ишда фойдаланиш урф бўлган.¹

Ҳиндистоннинг сиёсий тарихини ёзма манбалар асосида фақат эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб ўрганиш мумкин. Эрамиздан аввалги тахминан У1 асрда шимолий Ҳиндистонда бир неча давлат бўлиб булар орасида иккита катта давлат: Магадха ва Кошала давлатлари ажралиб турар эди. Магадха подшолиги Ганг дарёси ўрта оқимидаги ҳавзада жойлашган. Магадха давлатининг пойтахти Ражагрха шаҳри бўлган. Магадхадаги шимоли-ғарбда Кошала давлати бўлган. Унинг пойтахти Шраваста шаҳри. Кошала подшолиги юксалиб бораётган даврда подшо Каса Каши князлиги ва унинг асосий шаҳри олиб ўз давлат чегарасини кенгайтирганлиги тарихий манбалардан бизга маълумот беради.²

Эронликларнинг шарқ томонга, шимоли-ғарбий Ҳиндистоннинг ички вилоятларига кириб бориши туфайли Эрон маданияти билан Ҳинд маданиятининг бир-бирига таъсири бир мунча ортиб борган. Жумладан, тасвирий санъат соҳасида, шунингдек, дин масаласида алоқа ўрнатилган. Ўша даврдаги зароастризм билан ҳинд диний эътиқодлари орасида бир-бирига ўхшаш анчагина фикрларни учратиш мумкин. Эрамиздан аввалги У асрда Магадха подшолиги Шимолий Ҳиндистоннинг энг кучли давлати бўлиб қолади. Ганг дарёси бўйида ғоят катта Паталипутра шаҳри қурилган. Эрамиздан аввалги У асрда Магадха подшолари Кошала подшолигини босиб оладилар, бу давр Магадха подшолигининг гуллаб-яшнаган даври бўлган.

Бундан ташқари бир қанча кичик подшоликлар ҳам мавжуд эдики, улар ҳам ўз ўрнига эга эди. Кўп асрлар давомида тараққий қилиб келган қадимги ҳинд маданияти бир қатор кўшни халқлар маданиятининг ривожланишига

¹ Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ в свете археологии. М, Наука 1976

² Авдиев В.И. “Қадимги Шарқ тарихи” Олий ва ўрта мактаб нашр. Т. 1964 й.

анча кучли таъсир кўрсатган. Кўпгина диний тўпламлар сақланиб келганлиги сабабли қадимги ҳинд халқларининг дини тўғрисида айниқса яхши маълумотларга эгамиз.

Марказлашган йирик давлатлар ташкил топа борган сари ягона худога топишиш элементлари ҳам пайдо бўла бошлайди. Ерда ягона подшо бўлгани каби, осмонда ҳам ягона худо бўлиши лозим бўлган. Шундай қилиб, ягона худо тўғрисидаги тасаввур пайдо бўлиб, бу худони одамларни ва халқни яратувчи деб атай бошлайдилар.

Ҳинд ёзувининг энг қадимги асарлари Шимолий Ҳиндистонда уруғчилик тузумининг емирилиши давридан бошлаб энг қадимги қулдорлик давлатининг ташкил топганига қадар илмий билимларнинг пайдо бўлиши ва энг қадимги таркиб топиш жараёнини кузатиб боришга имкон беради. Моҳинжо-Даро ва Хараппадаги катта шаҳарлар харобаларидан топилган иероглиф ёзувлар шуни кўрсатадики, эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаёқ Ҳиндистонда ўзига хос равишда вужудга келган суратли ёзув мавжуд бўлган. Ҳиндистонда альфавит бўғинли ёзув эрамиздан аввалги III асрда тарқалган. Кхарошти ёзувидаги ёзувлар шу даврга оиддир, бу ёзув оромий ёзувини қўлланиш негизида вужудга келган бўлиши мумкин. Ашока ёзувларининг кўпи брахма ёзувининг оригинал асл қадимги ҳинд системаси кўламида ёзилган бўлиб, бу ёзувдан девангари, шунингдек кўп сонли бошқа ҳинд алифбеларининг анча кейинги классик системаси тараққий этган ва такомиллашиб, баъзилари ҳозиргача сақланган.

Кундалик ҳаётда бўладиган эҳтиёжлар ҳиндларни жуда қадимги замонлардаёқ табиатда бўладиган турли ҳодисаларни тартибли ҳодисаларни тартибли суратда кузатиб боришга мажбур этган. Медицина, астрономия соҳасидаги дастлабки билимлар ана шу тариқа вужудга келган.

Диний-сеҳрий дунёқараш ҳукмронлик қилган даврда қадимги Шарқдаги бошқа халқларда бўлгани каби, қадимги ҳиндларда ҳам фаннинг

бошланғич кўринишлари, диний эътиқодлар ва сеҳрий тасаввурлар билан чирмашиб кетган. Шунинг учун табобат фани тўғрисида энг қадимги маълумотлар диний веда тўпламларида, жумладан, Ригведа мадҳияларида ва Адхар ваведада сақланиб қолганлигини кўрамиз. Ведалар тузилаётган даврдаёқ ҳинд табиблари анатомиядан бир мунча хабардор бўлганлар.¹

Ведалар касалликларнинг ҳар хил турлари сариқ касали, бод, бош оғриғи, мохов, сил касалликлари учраган. Бу эса медицина текширишларнинг тартибга солиб борилганлигини ҳамда касалликларни аниқлашга интилиши пайдо бўла бошлаганлигини кўрсатади. Касалликнинг баъзи бир умумлаштирувчи номлари ҳам пайдо бўла бошлайди, бу номлар эса бир гуруҳ касалликларни эҳтимол, бир-бирига яқин ёки ўхшаш касалликларни аниқлашга хизмат қилгандир. Дорилар тайёрлаш учун кўпинча дори ўтлар ишлатилган. Ригведада айтишича, дори ўтларни “подшолар йиғинидек тўплаган киши жинларни қирувчи иллатни қувиб чиқарувчи билимдон табиб, деб аталади”. Ҳали урф бўлмаган медицинанинг тараққий этиши билан табибликнинг баъзи бир ихтисослари, масалан ички касалликларни, кўз касалликларни даволаш, хирургия пайдо бўлади.

Медицина билимларининг тўплана бориши эрамининг бошларида медицина соҳасида дастлабки ютуқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Қадимги ҳинд медицинаси билан антик медицина бир-бирига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади, бунинг сабаби Ҳиндистоннинг антик дунё билан анчагина алоқа боғлаганлиги ва ўзаро таъсир қилганликларидир, бу таъсир Александр Македонскийнинг Ҳиндистонга қилган юришларидан кейин айниқса кучайган. Масалан, Ежурведада организмда тўрт хил асосий сув-шира борлиги тўғрисида таълимот бор, бу таълимот грек медицинасининг отаси Гиппократнинг шу хилдаги таълимоти кўп жиҳатдан ўхшайди. Етук

¹ Авдиев В.И. “Қадимги Шарқ тарихи” Олий ва ўрта мактаб нашр. Т. 1964 й.

табиблик этикасининг турли хил шакллари айнан Гиппократ таълимотининг ўзидир.

Фалакиёт илми соҳасида ҳам бир қанча билимлар тўпланган. Қуёшнинг фазода юргандай бўлиб кўринишини кузатиш, ой ҳаракати ва фазоларини кузатиш, шунингдек ойнинг маълум юлдузлар орасида ўзига хос “ой уйлари” бўлишини кузатиш, ниҳоят юлдузлар осмонини кузатиб бориш, ҳатто Ведалар давридаёқ ойнинг фазоларини, ойнинг харитасини аниқлашга ва календарнинг ўзига хос шаклини ишлаб чиқишга имкон берган. Бу тақвимга мувофиқ йил 12 ойга, шу билан бирга ҳар бир ой 30 кунга бўлинган. Тақвим йили билан астрономия йили ўртасидаги тафовут қадимги замонларда қўшимча, ўн учинчи ой ёрдами билан тўғирланган. Кейинчалик бу қўшимча ойни ҳар беш йилда бир марта қўшадиган бўлганлар.

Шундай қилиб, астрономия соҳасида ҳам худди бошқа соҳалардек яхши натижага эришдилар. Ҳиндистоннинг табиий шароити ниҳоят мураккаб ва хилма-хилдир. Ҳиндистоннинг ғоят катта қисми улкан бир ярим орол, деярли бир материкдан иборат бўлиб, океан ва дунёда энг катта тоғ тизмаси бўлмиш Ҳимолай тоғлари уни дунёнинг бошқа қисмларидан ажратиб туради. Бир неча тоғ йўллари дара ва водийлар, хусусан Қобил дарёсининг водийси орқалигина Ҳиндистон бошқа мамлакатлар билан туташган. Ҳиндистоннинг декан деб аталадиган марказий қисми ярим оролнинг энг қадимги қисми бўлиб, у дастлабки вақтларда орол бўлган бўлиши жуда эҳтимол. Бу ерда Австралиядан жанубий Африкагача чўзилган ҳамда бир қанча мамлакатларни ўз ичига олган жанубий материк бўлган Цейлон билан Малайе ярим ороли ўша материалнинг қолдиқларидир.

Декан ясси тоғлигининг ўртача баландлиги 1000 метргача боради, тоғлик ва чўллик вилоятларидан джунгли ва саванналардан иборат бўлиб, айрим жойлари айниқса, иқлими қуруқ жойлари одам яшаши учун унга қулай эмас. Одамларнинг жойлашиши ва маданиятининг илк тараққиёт учун энг

кулай жойлар шимолий Ҳиндистоннинг кенг вилоятлари Ҳинд ва Ганг дарёлари ва унинг ирмоқлари ҳавзасидаги катта алювиал текислик бўлган. Ҳиндистоннинг турли жойларида ёғингарчилик турличадир.

Айрим туманларда деҳқончилик хўжалигининг ривожланиши учун етарли эмас. Шимолий Ҳиндистонда ёғингарчилик шарққа томон кўпайиб боради. Деканда эса ғарбга қараб ошиб боради. Ёғингарчиликнинг нотекислиги аҳолини суғориб экин экишга мажбур этган.

Шимолий Ҳиндистоннинг туманлари серсув Ҳинд, Ганг дарёлари ва унинг ирмоқларидан яхши сув ичган бўлиб, бу ерда суғориб экин экиш айниқса кенг ёйилган. Ҳинд дарёси Ҳимолай ва Ҳинди қуш тоғларидаги қор ва музларнинг эришидан ҳосил бўладиган сув билан тўлади. Ганг дарёсига эса муз сувларидан ташқари Бенгалия бўғози туманига ёғадиган мўл тропик ёмғир сувлари ҳам оқиб тушади. Суви сероб, тупроғи унумдор ва иқлими майинлиги туфайли ҳудди Шимолий Ҳиндистонда энг қадимги замонлардаёқ деҳқончилик пайдо бўлган. Ҳиндистоннинг қирғоқ бўйлари унчалик кирди-чикди эмас. Ҳинд дарёсининг дельтасини лойқа босган бўлиб, кема қатнаши учун ноқулайдир. Ҳиндистон денгиз бўйларининг кўп жойлари жуда баланд ва тикка.¹

2-§.Моҳинжо-Даро ва Хараппа маданиятлари.

Ҳиндистонда энг қадимги замонлардан буён одамлар яшаб келган, шу билан бирга Ҳиндистоннинг туб аҳолиси жуда қадим замонлардаёқ ўзига хос маданиятини яратган. Ҳиндистоннинг турли жойларида археологик қазилар натижасида топилган нарсалар буни яққол кўрсатиб беради.

Мадорас вилоятининг Беллори ҳудудида неолит давридаги кулолчилик устахонаси, Мирзапул ҳудудида эса ўша даврдаги қабрлар топилган. Баъзи бир ҳинд қабилалари, чунончи, гонд қабилалари сўнгги вақтларгача тош даври шароитида яшаганлар, улар тошдан қилинган қуроллар ва ўқ-ёйлардан

¹ Авдиев В.И. “Қадимги Шарқ тарихи” Олий ва ўрта мактаб нашр. Т. 1964 й.

фойдаланган. Жанубий Ҳиндистондаги Майсор яқинида Читалдруг деган ном остидаги жойда ўтказилган қазилар вақтида устма-уст тахланган олти та маданий қатлам топилган, бу қатламларнинг пасткисидан эрамиздан аввалги IУ минг йиликка оид тош қуроллар ва геометрик орнаментли керамика юқори қатламдан эса, эрамиздан XIII асрга оид буюмлар чиққан. Бу ҳол айрим маданий қалъаларнинг энг қадимдан мавжуд бўлганлигини ҳамда Ҳиндистондаги қабила ва халқларнинг маданияти мустақил равишда ривожланиб келганлигини кўрсатади. Афсуски, Ҳиндистонни археологик жиҳатдан ўрганиш иши яқиндагина бошланган эди ва мунтазам равишда олиб борилмаганлиги сабабли Ҳиндистон ҳудудида қадимги маданиятнинг тараққий этишидаги барча босқичларни мунтазам ўрганиш учун ҳали етарли даражада материал бергани йўқ.

Ҳиндистонда энг қадимги шаҳар ва давлатларнинг мавжуд бўлганлиги ҳақида фикр юритишига имкон берадиган энг қадимги ва энг муҳим ёдгорликлар шиомли-ғарбий Ҳиндистондан, ҳинд дарёси ҳавзасидан топилган. Синд вилоятидаги Моҳинжо-Дародан ва Панжобдаги Хараппадан қадимги катта шаҳарларнинг каттакон харобаларни чиққан. Яна шунга ўхшаш бир қанча қалъалар ҳинд дарёсининг қуйи оқимидаги ҳавзадан, Белужистоннинг шу ҳавзага яқин турган туманларидан топилган, энг шимолий қалъа Сетлаж дарёси бўйидаги Рупара қишлоғига яқин жойдан топилган. Шундай қилиб, бизга маълум энг қадимги ҳинд маданияти жанубий Белужистон ва Арабистон денгизи қирғоқларидан тортиб то ҳинд дарёси ҳавзасининг шимоли-шарқий қисмигача, ҳатто эҳтимол Ганг дарёси қирғоқларигача бўлган ғоят катта ҳудудни эгаллаган.¹ Ана шу катта ҳудудда битта катта давлат бўлиб, унинг бир қанча катта шаҳарлари бор эди. Ана шу катта шаҳарларга Моҳинжо-Даро ва Хараппа ўрнида бўлган бўлса ҳам ажаб эмас.

¹ Авдиев В.И. “Қадимги Шарқ тарихи” Олий ва ўрта мактаб нашр. Т. 1964 й.

Қадимги Моҳинжо-Дародаги шаҳар харобалари айниқса яхши сақлангандир, бу шаҳар жуда катта майдонни, 260 гектарга яқин ерни эгаллаган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу ерда ўтказилган археологик қазишлар натижасида устма-уст жойлашган 9 та археологик қатлам топилган, уларнинг энг пасткиси 12 метр чуқурликдадир. Бу шаҳар бир неча асрлар яшаб, қайта қурилиб келган бўлса керак лекин турлик қатламларидан топилган ёдгорликлар бир-биридан жуда кам фарқ қилади, бу эса моддий маданиятнинг жуда ҳам секин тараққий этганлигини кўрсатади. Қазиш натижаларига кўра, Моҳинжо-Доро шаҳарлари ўша замондаги энг йирик шаҳарлардан бири бўлган. Бу ерда жуда кўп катта кўчалар ва пишиқ ғиштдан қурилган бинолар топилган. Бу биноларнинг баландлиги ҳозир ҳам 7,5 метрга боради. Кўчалари тўғри, кўпинча шарқдан ғарбга ва жанубидан шимолга қараб параллел кетган бўлиб, бу нарсаси шаҳар энг қадим вақтдаёқ билиб-кешиб режалаштирилиб қурилганлиги тўғрисида фикр юритишга имкон беради. Бунинг устига биноларнинг олд томони бир текис чизикқа тўғирланган бўлиб, муюлишларидаги бурчаклари доирасимон қилинган. Катта кўчанинг кенглиги 10 метрга етади. Бу қадимги шаҳарда ғилдиракли аравалар мавжуд бўлганлигидан дарак беради. Моҳинжо-Дародаги жуда кўплаб турар жойлар орасида катта бир сарой ажралиб туради, бу саройда катта-катта заллар, иш бинолари ва озиқ-овқат сақландиган омборхоналар бўлган. Бу саройда Олий ҳокимият органларидан бири подшо ёки унинг ноиблари яшаган бўлиши ва бу катта бино ўзига хос бир қароргоҳ бўлиб, идора қилиш ишлари ўша ерда ўтказилган бўлса, эҳтимол. Хараппадан деворлар билан мустаҳкамланган яна шундай бир катта бино қазиб топилган, бу бино шимолий пойтахтнинг маъмурий маркази шаҳар кўрғони бўлганлиги аниқланган. Қазиш ишлари тамом бўлмагани туфайли диний мақсадлар учун хизмат қилиб келган катта биноларни тасвирлаб бериш ва ўрганиш учун ҳали имкон йўқ. Бироқ, Моҳинжо-дародаги шаҳарнинг марказида катта

ибодатхона бўлган унинг яқинида коҳинлар яшайдиган бинолар ҳамда қадимги вақтда сувга сиғиниш билан боғлиқ бўлган маросимлар учун ҳовузлар бўлган.

Моҳинжо-дародаги шаҳар йирик ҳунармадлик ва савдо маркази бўлган. Саройда металлургия устахонаси учун махсус бир бино ажратиб қўйилган. Марказий тепалиқдан жануброқда бир текис қатор кетган мустаҳкам расталардан иборат катта бостирмали бозор топилган. Бу ерда катта бино 51х41 метрли бўлган, бу бино хўжалик жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлганлиги шубҳасиздир, унда турли товарлар, балки дон ёки пахта сақланган бўлса керак. Уй-жойларнинг катта-кичиклигига қараганда, шаҳар аҳолиси уч қисмга:бойларга, ҳунарманд ва майда савдогарлардан иборат ўрта табақага ҳамда камбағаллар билан қулларга бўлинган. Бойларнинг катта-катта уйларнинг кўча томонида ҳеч қандай дарча-эшиги бўлмаган, қоравул учун махсус ҳужралар бўлган. Бойлар яшаган маҳалларда такомиллашган канализация бўлиб, улар сув билан яхши таъминланган. Шаҳарнинг камбағаллар яшаган қисмида канализация бўлмаган ва сув ерга кўмилган таги тешик хумларга оқиб тушган. Тадқиқодларда аниқланишга аҳолининг камбағал қатлами ҳатто хароба кулбалар яшаганлар.

Моддий маданият ёдгорликлари иш қуруллари, яроғ-аслаҳалар, уй-рўзғор буюмлари ва зебу зийнатлар Моҳинжо-Дарода ва Хараппада катта шаҳарлар бўлган даврда шимоли-ғарбий Ҳиндистоннинг ишлаб чиқариш кучлари қай даражада ривожланганлиги тўғрисида фикр юритишга имкон беради. Пишиқ ишланиб, махсус кулолчилик ўчоқларида пиширилган жуда кўп сопол идишлар шунингдек, шакли ва катталиги жиҳатидан бир хилда бўлган ғиштларнинг кенг тарқалганлиги кулолчиликнинг анча тараққий этганлигини англатади. Аммо, умуман олганда ҳунармандлик ишлаб чиқариши ниҳоятда секин ривожланиб борган. Жуда узоқ вақтларгача ҳар хил буюмлар яшаш учун ўтмиш қолдиғи сифатида тошдан фойдаланиб

келинган. Тошдан омонч тишлари, пичоқлар, тўқмоқлар, ёргучоқлар, буюк суриш тахтачалари, қадок тошлар идишлар ва парма учлари ясаганлар.

Ҳунармандчилик технологиясининг жуда секин ривожланганлигига яна шу нарса ҳам далилки, тошдан турли қурол-асбоблар ҳам ясалган, ваҳоланки, металлургия анчагина ривожланган бўлган. Қазилар вақтида мис ва бронзадан ясалган кўпгина буюмлар топилган. Мис қумини мамлакатлардан, Белужистондан олинган, аммо шу билан бирга маҳаллий руддан кенг фойдаланилган.

Мис ва қалайдан бронза эритмаси ясалган. Қўрғошин ҳам маълум бўлган. Металл ишлашнинг турли йўллари бўлганлиги металлургия техникасининг тараққий этганлигини ҳам кўрсатади;

Масалан: металл тахтачаларни тоблаш, металл буюмлар қуйиш ва парчинлаш ишлари мавжуд бўлган. Мис ва бронзадан қурол-асбоблар, яроғ-аслаҳалар ва бошқа буюмлар ишланган. Металлургия билан бир қаторда бошқа ҳунарлар ҳам, жумладан, тўқимачилик, чинни идишлар ва шиша пастаси тайёрлаш, кемасозлик ҳам бўлган.

Моҳинжо-Даро ва Хараппа харобаларидан кўп миқдорда қаттиқ тош, юмшоқ стеатит, фил суяги ва сополдан қилинган муҳрлар топилган бўлиб, булар тарихчилар учун муҳим аҳамиятга эга. Бу муҳрларда муқаддас ҳайвонларнинг айниқса, ҳўкизнинг диний суратлари ва ёзувлар ўйиб ёзилгандир. Бу ёзувларга қараганда ўша даврда Ҳиндистонда мисрликларнинг энг қадимги иероглиф ёзувлари билан шумерликлар ёзувларини эслатувчи суратли иероглиф ёзувлар бўлган. Чех олими Б.Грозний ва бошқа текширувчилар бу ёзувларни ўқиб чиқишга уруниб кўрдилар, аммо уларни ўқишнинг ҳали иложи топилгани йўқ.¹

Моҳинжо-Даро ва Хараппанинг устки қатламларидан, шунингдек жанубий Белужистоннинг қадимги қалъаларидан шимоли-ғарбий

¹ Авдиев В.И. “Қадимги Шарқ тарихи” Олий ва ўрта мактаб нашр. Т. 1964 й.

Ҳиндистонга ажнабий қабилаларнинг бостириб кирганлигининг қолдиқлари топилган.

Шимолий Ҳиндистоннинг қадимий маданий шаҳарларини ҳудди шу қабилалар вайрон қилган. Бу босқинчилик эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг ўрталарида юз берган, шу сабабдан баъзи текширувчилар бунини шимолий Ҳиндистоннинг орий қабилалари томонидан босиб олинишидир, деб ҳисоблайдилар, орийларнинг шимолий Ҳиндистонни босиб олиш воқеаси қадимги Ҳиндистоннинг тарихий ва адабий қиссаларида мустаҳкам сақланиб қолган.

Археологлардан Банержи, мариалл, Маккей ва бошқа бир қанча олимлар шимолий-ғарбий Ҳиндистондаги Хараппа ва Моҳинжо-Дародаги катта шаҳарларнинг харобалари қазилган вақтда энг қимматли археологик ёдгорликлар ва энг қадимги иероглиф ёзувлар топилган. Бу қазилашлар натижасида қадимги Ҳиндистон тарихини эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдан бошлаб ўрганиш имконияти туғилган.

Шак-шубҳасиз шуни касб этадики, агар иқтисодий ва технологик тизимлар инсон жамоаларининг хотиржамлигини жисмоний таъминланиш ҳаётий зарурият бўлиб, сиёсий тизимлар ва ғоялар уларга бошқаришга ва сақлашга қаратилган бўлса, айнан ижтимоий ташкилот эса шу жамоаларнинг бирлигини таъминлашга қаратилган. Баъзи мутахассислар ижтимоий тузилманинг хусусиятлари диний характери ва давлат тузумини таъминлашда ибтидоий ҳолатини олдида белгилашда ушбу гуруҳнинг дунё қарашини акс эттиради деб ҳисоблайдилар. Ҳар қандай жамиятнинг генезисини иккита муҳим йўналиш ташкил этади. Улар орқали ижтимоий тузилишни реконструкция қила оламиз деб ишонч билан айта оламиз.

Биринчидан, археологик ёдгорликлар ва ёзма манбаларга ижтимоий ташкилотлар билан тасдиқланган қадимий цивилизацияларнинг мавжудлиги, масалан, биз маълум бир аниқлик билан синфий мерархияларнинг ва

қадимий Миср раҳбариятининг авторитар тузумининг, Шумернинг илк сулоласи ва Шанск-Инъек Хитойни тасвирлаб беришимиз мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, ушбу жамиятнинг белгилари олдинги давларда ҳам ўз-ўзини топган. Ҳозирги даврнинг асл ютуқларидан бўлиб, у ёки бу жамиятни келиб чиқишида соддалаштирилган назария ҳисобланади.

Иккинчи-муҳим томонларидан бири этнографик ҳақиқат ҳисобланади. Гап ҳозирги дунёнинг жонли табиатини ўрганишда бўлиб, уларни ўрганиш алоҳида ўсимликлар хусусиятида эмас ва балки уларнинг комплексида. Этнографларга яхши маълумки, агар биргаликда дафн этилган маълум типли жой, иқтисодий жиҳатдан тобалик маълум ижтимоий жамиятнинг мавжудлиги юқори даражада.

ХУЛОСА

Бизга маълумки, тарихда шундай мамлакатлар ва халқлар борки, йиллар ўтиши билан ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетади. Шундай мамлакатлар ва халқлар бўладикки, тарихда чуқур из қолдириши билан бирга, ўз даврининг йирик, гегемон давлатларидан саналиб, ўз атрофидаги ва бошқа минтақадаги халқларни ва давлатларнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўша олган. Минг-минг йиллик тарихий тараққиёт даврида ҳам ўз мавқийини йўқотмаган бўлиб ҳисобланади. Юқорида биз кўриб ўтган Месопатамия ва Ҳиндистон ҳудудларидаги қадимги маданият ўчоқлари ана шундайлардан ҳисобланади.

Иккидарё оралиғи ҳудуди халқлари қадимда анча қолоқ, аҳоли кам яшайдиган ботқоқ, ташландиқ бир жойни асрлар минг йиллар ўтмиши тинимсиз меҳнати натижасида қадимги Шарқдаги улкан бой маданият ўчоғига айлантира олди. Тарихда Шумер Жанубий Месопатамияда шаҳар-давлат бўлиб, у Иккидарё оралиғида марказлаштирилмаган бўлсада, аммо илк деҳқончилик ва ҳунармандчилик марказига айлантирилди, унинг таъсирида ўрта ва шимолий Месопатамияда ҳам шаҳар давлатлар вужудга келишига сабаб бўлди, Шумер инқирозидан сўнгра эса, бутун Иккидарё оралиғини бирлаштирган, марказлашган Аккад давлати вужудга келди. У нафақат, иккидарё оралиғи ҳудудларини балки унинг атрофидаги ҳудудларга ва Ҳиндистонга ҳам ўз таъсирини ўтказолган давлат даражасига чиқди. Месопатамия ҳудудидаги манзилгоҳларни қадимда Шарқ халқлари маданияти бешиги бўлган деб атай оламиз. Тарихий жараён бевосита бу ҳудуд довуғини ҳозирги кунгача оламга ёйиб келмоқда. Ҳиндистон тарихини ўрганишимиз асосида Хараппа ва Моҳинжо-Даро маданиятларини тилга олмай ўтолмаймиз. Чунки, Қадимги Ҳиндистон маданиятининг асосини шу ҳудудлар белгилаб беради. Ҳиндистонда уруғчилик муносабатларининг емирилиши жараёнида Ҳинд дарёси бўйида аҳолининг ўтроқлашиб, сунъий суғориш билан шуғулланиш, дастлабки қишлоқлар

ривожланиши натижасида ҳунармандчилик, деҳқончилик тараққиёти, пировардида шаҳар ва шаҳар-давлатларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Тарихий тараққиёт шуни исботлаб берадики, ҳар бир ҳудуд шаҳар-давлатлари тараққиёти босқичи тўғри белгилаб берилса, бошқарув тизими яхши йўлга қўйилса, албатта бу ривожланиб, бир неча ҳудудларни бирлаштирган, ҳар давлатга айлана олади. Хараппа ва Моҳинжо-Даро ҳудудлари археологик жиҳатдан текширилиб ўрганилиши натижасида шундай хулосага келиндики, анча тараққий этган ишлаб чиқариш ва савдосотик тўғри йўлга қўйилган шаҳар-давлат қолдиғи ҳисобланади. Чунки бу ҳудуд нафақат бутун Ҳиндистон, Хитой, Иккидарё оралиғи ва Ўрта Осиё билан савдо алоқалари олиб борган. Сополли маданиятини қазиб ўрганиш жараёнида топилган ҳунармандчилик буюмлари, ёзуви бир-бирига ўхшаб кетади, бу шундан далолатки, ота-боболаримиз савдо алоқаларида қадимдаёқ анча натижага эришган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Қадимги Шарқ халқлари бир-бири билан доимий узвий алоқада бўлиб, улар Миср, Месопатамия, Ҳиндистон, Хитой ва Ўрта Осиё ҳудудларида дастлаб кўчиб юришган бўлса, кейинчалик ўтроқ ҳаёт кечириб турган ва ўз ватанларини вужудга келтиришган. Мавзу нима сабабдан айнан Месопатамия ва Ҳиндистон давлатлари мисолида олинди.

Биринчидан, Месопатамиянинг қадимийлиги ва маданиятининг тарқалиши имкониятлари ва атрофдаги ҳудудларга таъсири ҳисобга олинган бўлса, иккинчидан, бу икки ҳудуд бир-бири билан узвий боғлиқ тараққиёт босқичида бир-бирини тўлдириб турган, бир-бирига таъсири кучли бўлган. Учинчидан, савдо алоқларида бир-бирига кўмакчи бўлиб, шарқ савдосида муҳим ўрин эгаллаган эди.

Тўртинчидан, бу икки ҳудуд тарихи ҳам қадимийлиги жиҳатидан бир-биридан қолишмайди.

Шундай қилиб, қадимги шарқ тарихини Месопатамия ва Ҳиндистон тарихисиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар ўз даврининг илғор ҳар томонлама ривожланган давлатлари бўлиши билан бирга ҳозирда ҳам илмий фан жумладан, тарих фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган маданият ўчоқлари бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 1994 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари 1999 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида 1994 й.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 2008 й.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т. 2011.
6. Авдиев В.И. История древнего востока. М.1948, 1953, 1976.
7. История Древнего Востока. Под. ред. Г.М.Бонгард-Левина. М, Высшая школа. Т.І 1984, Т.ІІ. 1984, Т.ІІІ 2003.

8. Д.Г.Редер, Е.А.Черкосова. Қадимги дунё тарихи. I-II қисм. Тошкент 1974-1975.
9. Қадимги дунё тарихи.–Ю.С.Крушкол тахрири остида 2 ж. Т. 1975.
10. История Древнего мира. Под ред. Дьяконова И.М., Нероновой Е.С., Свенцицковой И.С., М. Высшая школа.1982. Т I.
11. История Древнего мира (в 3 книгах). М. Высшая школа 1982.
12. Хрестоматия по истории Древнего Востока Под.ред. В.В.Струве и Д.Г.Редера М. Просвещение 1963.
13. Хрестоматия по истории Древнего Востока. В. 2 часть М. Высшая школа 1980.
14. Афанасьева В.К и др. Искусство Древнего Востока. М. Прогресс. 1971.
15. Бикерман Э. Хронология Древнего мира. М. Изд-во восточной литературы,1975.
16. Бойс М. Зороастризм. М. Изд-во Восточной литературы
17. Древний Восток и античный мир. М. изд-во 1968.
18. Древние цивилизации. Под. ред. Г.М.Бонгард-Левина. М. Прогресс 1989.
19. Заблоцка Ю. История Ближнего Востока в древности. М. Изд-во Восточной литературы. 1989.
20. Кузищин В.И., Садовская М.С., Строгицин В.И.История Древнего Мира. Метод. указ. М.МГУ 1984
21. Коростовцев М.А. О понятии Древний Восток. В.Д.И. 1976 № 1.
22. Ливерани И. Проблемы и направления исследований в области Древнего Ближнего Востока. ВДИ 1964. №4.
23. Литература Древнего Востока. М.Просвещение 1971.
24. Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ в свете археологии. М, Наука 1976
25. Мелларт. Дж. Древнейшие цивилизации Ближнего Востока. М., Изд-во Восточной литературы 1982.
26. Редер.Д.Г., Черкасова Е.А. История Древнего мира. М. Высшая школа 1970.
27. Струве В.В. История Древнего Востока. М. Госиздат. 1941.
28. Тураев. История Древнего востока Л. Т. 1-2 1935-36. Т. I-II.
29. Утченко С.Л., Дьяконов И.М. Социальная стратификация древних обществ. М.Наука 1976.
30. Брентес Б от Шанидара до Аккада. М. “Наука” 1976.
31. Дьяконов И.М. Социально-экономический строй древнего Шумера. М.1958.
32. Дьяконов И.М. Люди города Ура. М. Наука 1988.

33. Истрин В.А. Возникновение и развитие письма. М. Наука 1965.
34. Крамер С.Н. История начинается в Шумере. М. Изд-во восточной литературы 1991.
35. Опенхейм Д. Древняя Месопотамия. М. Изд-во восточной литературы 1989.
36. Кун С.Г. Мифология Ближнего Востока. М. Наука 1991.
37. Черниловский З.М. История государства и права зарубежных стран. М. Изд-во Юрист 1996.
38. Ардзинба В.Г. Очерки по социально-экономической истории хеттского государства. Тбилиси 1973.

Термиз давлат университети кундузги бўлим битирувчиси Чориев Нуриддиннинг 5120300-тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Қадимги Шарқда деҳқончилик манзилгоҳлари (Месопотамия ва Ҳиндистон давлатлари мисолида)” мавзусидаги битирув малакавий иши муаллифлик

АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги: тарихда шундай мамлакатлар ва халқлар борки, йиллар ўтиши билан ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетади. Шундай мамлакатлар ва халқлар бўладикки, тарихда чуқур из қолдириши билан бирга, ўз даврининг йирик, гегемон давлатларидан саналиб, ўз атрофидаги ва бошқа минтақадаги халқларни ва давлатларнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўша олган. Минг-минг йиллик тарихий тараққиёт даврида ҳам ўз мавқийини

йўқотмаган бўлиб ҳисобланади. Юқорида биз кўриб ўтган Месопатамия ва Ҳиндистон ҳудудларидаги қадимги маданият ўчоқлари ана шундайлардан ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: . Қадимги Шарқ, қолаверса, Месопатамия, Миср, Ҳиндистон давлатлари тарихи ҳам жаҳон тарихининг бир бўлаги ҳисобланади. Ушбу малакавий битирув иши ҳам қадимги Шарқнинг узвий ва ажралмас бир бўлаги ҳисобланган. Қадимги Месопатамия ва Ҳиндистон давлатлари ўтмиши ҳақида ёзилишдан асосий мақсад Месопатамия қадимги Шарқнинг энг қадимги уруғчилик муносабатлари бузилган ва синфий жамият вужудга келган ҳудуд бўлибгина қолмай, ушбу жараёни ўз атрофидаги Кичик Осиё, Олд Осиё, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ҳудудидаги ўлкаларга тарқалишига муҳим ҳисса қўшган, чунки қадимги даврлардан халқлар ўртасида Ғарбий Эрон, Шимолий Сурия ва Ҳиндистон ҳудудлари билан савдо алоқалари ривожланган. Савдо алоқаларининг ўсиши ҳунармандчилик ва деҳқончиликда янги техника ва технологияларнинг қўлланилиши, мулкӣ тенгсизликларнинг келиб чиқиши, синфий жамият ва давлатнинг вужудга келишига замин яратиб бўлган.

Тадқиқот объекти ва предмети: Қадимги шарқ Месопатамия, Миср, Ҳиндистон давлатлари тарихини яъни Месопатамияда жамоатчилик муносабатлари, Шумер-Аккад маданияти, Қадимги Месопатамия аҳолисининг машғулоти, Қадимги Ҳиндистоннинг илк деҳқончилик маданияти, Қадимги Ҳиндистонда жамоавий муносабатлар, Моҳинжо-Даро ва Хараппа маданиятларини ёритиш тадқиқот ишининг объекти бўлиб ҳисобланади. Мавзуни қадимги Шарқ давлатлари билан боғлаб манбалар, ҳужжатлар, адабиётлар ва И.А.Каримовнинг нутқлари, асарларига таянган ҳолда ҳолисона ёритишдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси, амалий аҳамияти ва тадбиғи: Ур, Урук, Лагаш, Ларса, Ниппур, Умма, Эшнунна, Киш ва бошқа шаҳар-давлатлар милоддан аввалги IV минг йилликда вужудга келган. Ўзаро курашлар натижасида дастлаб Шумер, кейин Аккад ҳукмронлик қилган. Ҳиндистон ҳам тарихий тараққиётда ўз ўрни ва имкониятларига эга бўлган, қолаверса Шарқ маданияти ривожланишига ҳисса қўшолган йирик маданият ўчоқларидан ҳисобланади. Ҳиндистон ҳудудида олиб борилган археологик текширишларда шундан маълумот бериладики, шимолий-ғарбий Ҳиндистон ва Ҳинд дараёси ҳавзасидан Моҳинжо-Даро ва Хараппа маданиятларидан қадимдан катта шаҳар бўлганлиги пишиқ ғишдан қурилган бинолар, кўчалар ва шаҳар анча тараққий этган бўлиб, ҳунармандчилик ва савдо маркази бўлганлиги ҳақида маълумотлар анчагина

Ишнинг тузилиши ва таркиби: Кириш, адабиётлар таҳлили, Асосий қисмда 2-боб, 5 параграф, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалар, мундарижадан иборат.

Олинган асосий натижалар: Қадимги шарқ давлатларига бағишлаб чиқарилган асарлар, халқаро конференция материаллари, Ўзбекистон Республикаси президентининг ёзган асарлари, вақтли матбуот материаллари ва интернет сайдлари ҳисобланади.

Иқтисодий самарадорлиги: Мазкур битирув малкавий ишидан инновацион лойиҳалар тузишда, академик лицей ва коллежлар ҳамда мактаб ўқувчиларига илмий семинарлар ўтказишда фойдаланиш ва реализация қилиш мумкин

Хулоса ва таклифлар: қадимги шарқ тарихини Месопатамия ва Ҳиндистон тарихисиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар ўз даврининг илғор ҳар томонлама ривожланган давлатлари бўлиши билан бирга ҳозирда ҳам илмий фан жумладан, тарих фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган маданият ўчоқлари бўлиб ҳисобланади.

Раҳбар _____

Талаба _____

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Йўналиш: Тарих

«Тасдиқлайман»

Факультет декани _____

« _____ » _____ 2012 йил

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____

(фамилияси, исми, шарифи)

1. Ишнинг мавзуси _____

«_____» _____ 20__ йил кафедра мажлисида
маъқулланган.

«_____» _____ 20__ йил ректорнинг № _____ -
сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Ишни топшириш муддати _____

3. Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар рўйхати

4. Ишнинг мақсади ва ҳал қилинадиган масалалар:

5. Адабиётлар таҳлили ва рўйхати:

6. Маслаҳатчилар.

Бўлимлар	Маслаҳатчи Ф.И.Ш	Имзо, сана	
		Топшириқ берди	Топшириқ қабул

			ҚИЛИНДИ

7. Битирув иши бажариш режаси

	Боскичлар номи	Бажариш муддати	Бажарилганлик белгиси

Битирув иши раҳбари _____

Кафедра мудири _____

Топшириқни бажаришга олдим _____

« _____ » _____ 20__ йил

Ўқув методик кенгашининг
3-апрель 2002 йилги 5-баён
номаси билан тасдиқланган

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих факультети

_____ таълим йўналиши

Битирувчиси _____ нинг

(Ф.И.Ш)

ХУЛОСАСИ

Термиз давлат университети ДАК Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги БМИ ни бажариш ҳақида 31.12.98. йил 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомга асосан қуйидагиларни аниқлади:

1. БМИнинг хажми ва талаб бўйичарасмийлаштирилганлиги (меёр: тиббий йўналишлар-50 бетдан, ижтимоий-гуманитар-70 бетдан кам бўлмаслиги керак): талабга жавоб беради-_____балл
2. талабга қисман жавоб беради-_____ балл
3. талабдан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд_____балл
4. Мавзунинг давлат ва университет грант дастури асосида ёки долзарб муаммолар бўйича танлаганлиги: давлат дастурига кирган_____балл
5. Грант лойиҳаси бўйича_____балл
6. ТерДУ дастури бўйича_____балл
7. долзарб муаммолар бўйича_____балл
8. Мавзунинг долзарблиги асосланганлиги: етарли даражада асосланган_____балл
9. етарли даражада асосланмаган_____балл
10. ноаниқ_____балл
11. Мақсад ва вазифаларнинг аниқ ифодаланганлиги: аниқ -_____балл,
12. тўлиқ аниқ эмас –_____балл,
13. аниқ эмас –_____балл,
14. БМИ бажаришда илмий текшириш методлардан фойдаланганлик даражаси тўла_____балл
15. қисман_____балл
16. етарли эмас_____балл
17. Олдинги натижаларнинг янгилиги ва ишончлилиги даражаси натижа янги_____балал
18. илгари олинган_____балл
19. тўла ишончли эмас_____балл
20. БМИнинг хулоса қисмида ишлаб чиқаришга тавсия берилганлиги: бевосита ишлаб чиқаришга тавсия бор_____балл
21. ижтимоий соҳада қўллашга (таълим, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, маънавий-маърифий..) тавсия қилинган_____балл
22. тавсия йўқ_____балл
23. Битирувчининг мавзу бўйича олинган натижаларини танқидий баҳолаганлиги даражаси: аниқ_____балл
24. тўла аниқ эмас_____балл
25. танқидий баҳоланмаган_____балл

26. Ишнинг илмий характери: илмий тадқиқотлар асосида _____ балл
27. аралаш шаклда _____ балл
28. Рефератив характерда _____ балл
29. Адабиётлардан фойдаланганлик даражаси: илмий-амалий журналлар, монография, етакчи олимлар асарларидан тўла фойдаланганлиги _____ балл
30. фақат дарслик маъруза матнлари, ўқув қўлланма ва маълумотномалардагина фойдаланилган _____ балл
31. Битирувчининг маърузасига баҳо, аъло _____ балл
32. яхши _____ балл
33. қониқарли _____ балл
34. Берилган саволларга жавоблари: тўлиқ _____ балл
35. ўрта _____ балл
36. қониқарли _____ балл
37. БМИни ташқи тақризчи томонидан баҳоланиши: аъло _____ балл
38. яхши _____ балл
39. қониқарли _____ балл
40. БМИга қўйилган якуний балл _____

(100 балл)

Эслатма: ҳар бир банд бўйича аниқланган баллнинг тагига чизиб белгиланади.

ДАК раиси _____

Ф.И.Ш. имзо

Аъзолари _____

Ф.И.Ш. имзо

Ф.И.Ш. имзо

Ф.И.Ш. имзо

(муҳр ўрни)

Сана « _____ » _____ 2011 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Адабиётлар таҳлили.....	5
1.Боб.Месопатамия илк деҳқончилик маданияти бешиги	
1-§.Месопатамияда жамоатчилик муносабатлари.....	7
2-§.Шумер-Аккад маданияти.....	14
3-§.Қадимги Месопатамия аҳолисининг машғулоти.....	30
2.Боб.Қадимги Ҳиндистоннинг илк деҳқончилик маданияти	
1-§.Қадимги Ҳиндистонда жамоавий муносабатлар.....	34

2-§.Моҳинжо-Даро ва Хараппа маданиятлари.....	46
Хулоса.....	55
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.....	56
Иловалар.....	58